

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**



**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ИЛМИЙ-ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

**ШАМСУТДИНОВ БЕХРУЗ САДРИДДИН ЎҒЛИНИНГ**

**“КОРРУПЦИЯГА ОИД ҚИЛМИШЛАР УЧУН  
ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА  
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА”**

**мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: Академия бошлиғи  
Е.В. Коленко**

**Тошкент – 2020 йил**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРЛАРНИНГ ЖИНОЙИ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>11</b>
1.1. Коррупцияга оид жиноятлар тушунчаси.....	11
1.2. Коррупцияга оид жиноятларнинг объектив ва субъектив белгилари.....	21
<b>II БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ҚИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>31</b>
2.1. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бўйича стандартлар: БМТ ва ИХТТ мисолида.....	31
2.2. Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида коррупцияга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарлик масалалари.....	45
<b>III БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....</b>	<b>58</b>
3.1. Коррупцияга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарликка оид амалдаги қонунчилик муаммолари ва уларни бартараф этиш масалалари.....	58
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>76</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>82</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>92</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги.** Бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бутун дунёда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “коррупциянинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, коррупциявий жиноятлар давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, халқнинг давлат органларига нисбатан ишончини сусайтиради<sup>2</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш масалаларига узоқ йиллар давомида етарлича эътибор қаратилмасдан келинди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан бошлаб 2016 йилга қадар бўлган даврда коррупцияга қарши курашиш фаолияти, асосан, Давлатнинг бир қатор асосий шартномаларга қўшилиши билан характерланиб, коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини қонуний тартибга солиш масалаларига оид зарур чора-тадбирлар кўрилмади. 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сонли Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилган бўлса<sup>3</sup>, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастури аъзосига айланди.

Коррупцияга қарши кураш фаолиятининг янги босқичи ўша вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи бўлган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 25.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // [Электрон манба]. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

<sup>2</sup> Авдеев В.А., Авдеева О.А. Стратегические направления противодействия коррупции в РФ // Российская юстиция. 2016. № 7. С. 19–21.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>.

Ш.Мирзиёев ташаббусига кўра 2016 йил 14 октябрда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси киритилганлиги билан бошлаб берилди. Зеро, мазкур ҳужжат коррупцияга қарши курашишнинг давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилганлигини англатар эди.

Мазкур лойиҳага асосан, 2017 йилнинг 3 январида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонун қабул қилинди<sup>4</sup>. Шундай қилиб, коррупцияга қарши курашиш фаолияти тартибга солиниб, унинг қонуний асоси яратилди.

Қонуннинг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури” ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланиб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилди<sup>5</sup>.

Коррупциянинг олдини олишга қаратилган ислоҳотларнинг давоми сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Бош прокуратура Академияси ташкил этилиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш мазкур муассасанинг энг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>

Эътиборли жиҳати шундаки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Академияда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашга асос солиниб, республикада илк мартаба Академия магистратураси негизида энг долзарб ва юқори талабга эга бўлган “Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши бўйича тор доирадаги мутахассислар тайёрлаш ташкил этилди. Академияда республикамизда илк мартаба 12.00.12 – «Коррупция муаммолари» мутахассислиги бўйича илмий даражаларини беришга йўналтирилган илмий кенгаш фаолияти ташкил этилди.

Шунингдек, Академияда Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази фаолияти йўлга қўйилиб, бунда асосий йўналишлар сифатида таҳлилий, илмий ва эксперт салоҳиятини юксалтириш, коррупцияга қарши кураш соҳасида кадрларни ўқитиш ва касбий тайёрлаш ҳамда мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш кабилар белгиланди<sup>6</sup>.

Амалга оширилган ислохотлар коррупциявий жиноятларнинг содир этилиш динамикасига муайян даражада таъсир қилди. Жумладан, 2017 йилда турли тоифадаги 3013 нафар мансабдор шахсларга нисбатан жами 2076 та, 2018 йилда 2066 нафар шахсга нисбатан 1469 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1520 нафар шахсга нисбатан 994 тани ташкил қилди. Мазкур жиноят ишлари доирасида 2017 йилда 2881 нафар, 2018 йилда 1907 нафар, 2019 йилда эса 1339 нафар шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2017 йилда 142 млрд. 662 млн. сўм, 2018 йилда 559 млрд. 174 млн. сўм, 2019 йилда эса 1 трлн. 853 млрд. сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Шунингдек, мазкур даврда Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрни муайян даражада яхшиланишига эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Transparency International”

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПФ-5438-сон фармони // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/docs/3727063>.

коррупцияга қарши ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index)да 2016 йилда 21 балл билан 176 давлат ичида 151-ўринни эгаллаган бўлса<sup>7</sup>, 2019 йил натижаларига кўра, 25 балл билан 180 мамлакат ичида 153-ўринга лойиқ кўрилди<sup>8</sup>.

Амалдаги қонунчиликда коррупциявий жиноятларга оид бир қатор тушунчаларга нисбатан норматив-ҳуқуқий таърифларнинг мавжуд эмаслиги, коррупциявий қилмишларнинг жиноят қонунчилиги билан лозим даражада қамраб олинмаганлиги каби муаммоларнинг мавжудлиги коррупцияга қарши курашишдан кўзланган натижага эришиш ва бу борада Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада яхшилашга тўсиқ бўлмоқда.

Миллий жиноят қонунчилигимиздаги коррупцияга оид нормаларни танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, мазкур жиноятлар элементларининг комплекслилиги ва мақсадга мувофиқлигини, соҳага оид халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий тажрибанинг миллий қонунчиликка етарли даражада жорий этилганлиги каби масалаларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, коррупцияга оид самарали жиноят қонунчилигини яратиш асослантирилган ва илмий хулосалар асосида ташкил этилганидагина кутилган самарани беради.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти коррупциявий жиноятлар натижасида вужудга келадиган жиноий-ҳуқуқий муносабатлардир. Тадқиқот предмети эса, коррупциявий жиноятлар тушунчаси, турлари, бу турдаги жиноятларнинг таркибий элементлари, коррупциявий жиноятларни назарда тутувчи халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий тажриба, шунингдек коррупциявий жиноятларга оид

---

<sup>7</sup> Corruption perceptions index 2016 // [Electronic resource] URL: [https://images.transparencycdn.org/images/2016\\_CPIReport\\_EN.pdf](https://images.transparencycdn.org/images/2016_CPIReport_EN.pdf)

<sup>8</sup> CPI 2019 Global Highlights // [Electronic resource] URL: <https://www.transparency.org/cpi2019?news/feature/cpi-2019>

амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади коррупциявий жиноятларга оид қонунчиликни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ҳамда жиноят қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш бўйича таклифлар беришдан иборат.

Юқорида белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот олдига куйидаги вазифалар куйилди:

- коррупциявий жиноятлар тушунчасини тадқиқ қилиш ва муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;
- миллий жиноят қонунчилигидаги коррупциявий жиноятларнинг доирасини аниқлаштириш;
- коррупциявий жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларини ҳамда мазкур турдаги жиноятларнинг элементларини таҳлил қилиш;
- соҳага оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш ҳамда миллий жиноят қонунчилигидан фарқларини аниқлаш асосида назарий ва амалий хулосалар чиқариш;
- коррупциявий жиноятларнинг миллий жиноят қонунчилиги билан қамраб олиниш даражасини ўрганиш;
- коррупциявий жиноятларнинг миллий қонунчиликда жавобгарлик белгиланмаган шаклларини имплементация қилиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш;
- коррупциявий жиноятларга оид дефиницион нормаларни янада ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш;
- коррупцияга оид жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини тайёрлаш.

**Диссертациянинг илмий янгилиги** шундан иборатки, мазкур тадқиқот иши коррупциявий қилмишларни комплекс равишда қамраб олган ҳолда соф жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилувчи, шунингдек коррупцияга оид амалдаги жиноят қонунчилигининг халқаро стандартларга

мослиги масалаларига бағишланган дастлабки тадқиқотлардан ҳисобланади. Зеро, бунгача бўлган илмий тадқиқотларнинг бир гуруҳи коррупцияни криминологик жиҳатдан ўрганишга қаратилган бўлса, бошқа бир гуруҳи коррупциявий жиноятларни алоҳида-алоҳида жиноий ҳуқуқий таҳлил қилишга қаратилган.

Тадқиқот ишида илк бор коррупциявий жиноятларга оид миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги ҳамда халқаро стандартлар қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, коррупциявий жиноятларни тўғри квалификация қилинишини таъминлаш мақсадида бу турдаги жиноятларнинг элементлари батафсил ўрганилган. Энг асосийси, мазкур тадқиқот ишида биринчи мартаба ноқонуний бойлик ортириш ва мавқени суистеъмол қилиш каби миллий қонунчилигимиз учун янги бўлган коррупциявий жиноятлар, уларни истиқболда миллий қонунчиликка имплементация қилишни кўзлаган ҳолда таҳлил қилинган. Тадқиқот яқунларига кўра эса, коррупцияга оид қонунчиликни замон талабларига мослаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси тақдим қилинган.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.** Шунингдек, коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик масалалари анча йиллардан бери етарли даражада тадқиқ қилинмасдан келинмоқда. Коррупциявий жиноятларнинг умумий ва ўзига хос бўлган хусусиятлари, уларни квалификация қилишдаги муаммолар алоҳида жиноятлар доирасида тадқиқ этилганлигига қарамасдан, коррупциявий жиноятларга оид қонунчиликни халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш масалалари махсус тадқиқот предмети сифатида комплекс тарзда ўрганилмаган. Алоҳида ёки бир гуруҳ коррупциявий жиноятларга оид муаммолар Б.Д.Ахраров, Р.А.Зуфаров, Қ.Тожибоев, Қ.Р.Абдурасулова, А.П.Аллабергенов, А.Х.Саттаров, Р.Кабулов ва М.Х.Сулайманов каби олимлар томонидан ўрганилган бўлса<sup>9</sup>, айрим миллий олимларимиз, шу

---

<sup>9</sup> Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 39 б.; Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик.



жумладан, И.Исмоилов, М.Х.Рустамбоев, М.А.Ражабова, А.Х.Рахмонкулов, Қ.Тожибоев ва М.Қодировлар коррупциявий жиноятларни бошқа турдаги жиноятлар билан бир қаторда муайян даражада тадқиқ қилишган<sup>10</sup>. Коррупциявий қилмишларнинг жинойий-ҳуқуқий таҳлили масалалари бўйича чет эл ҳуқуқшунос олимларидан Э.С.Шимшилова, Г.Н.Миронова, В.Б.Комаров, А.В.Крылов, Д.А.Кононов, А.С.Икряникова ва А.В.Воробьевлар<sup>11</sup> томонидан ҳам изланишлар амалга оширилган.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Тадқиқот коррупциявий жиноятларга оид миллий ва хорижий қонунчиликни ҳамда халқаро стандартларни тизимли ҳамда қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, тарихий ўрганиш ва прогнозлаштириш каби усуллар асосида амалга оширилган. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган жиноятчиликка қарши кураш, суд-ҳуқуқ ислохотлари, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга оид таҳлиллар тадқиқот ишининг методологик асосини ташкил этади.

---

Монография. – Т.: ТДЮИ, 2004.; Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкни талон-торож қилганлиги учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 64 б.; Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 64 б.; Аллабергенев А.П. Ответственность за хищение, совершенное путем злоупотребления служебным положением. – Ташкент: ТашГУ, 1984. – 51 с.; Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий и организации. Автореф. ... канд. юрид. наук. – Т., 1990. – 25 с.; Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика. Автореф. докт. дисс. – Т.: Академия МВД, 1997. – 28 с.; Сулайманов М.Х. Уголовно-правовая борьба с преступлениями, посягающими на деятельность представителей власти и общественности по охране общественного порядка. Автореф. канд. дисс. – Т., 1984.

<sup>10</sup> Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 62-63.; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: ИЛМ-ЗИҲО, 2006. – 912 б.; Ражабова М.А. Жинойий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. – Т.: Адолат, 2005. – Б.127.; Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник. – Ташкент: Адолат, 1997. – 507 с.

<sup>11</sup> Шимшилова Э.С. Преступления коррупционной направленности, совершаемые в коммерческих организациях: уголовно-правовое и сравнительно-правовое исследование: автореф. дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Эльмира Сулеймановна Шимшилова. М., 2019. – 23 с.; Миронова Г.Н. Уголовная ответственность за мелкий коммерческий подкуп (ст. 204.2 УК РФ): автореф. дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Галина Николаевна Миронова. М., 2019. – 22 с.; Комаров В.Б. Предмет взяточничества: дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Вячеслав Борисович Комаров. М., 2018. – 213 с.; Крылова А.В. Злоупотребление полномочиями в коммерческих и иных организациях: проблемы уголовно-правовой квалификации: дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Алина Владимировна Крылова. М., 2017. – 266 с.; Кононов Д.А. Злоупотребление полномочиями и коммерческий подкуп: уголовно-правовая характеристика: дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Давид Александрович Кононов. М., 2016. – 184 с.; Икряникова А.С. Соучастие в коррупционном преступлении: опыт криминологического исследования: уголовно-правовая характеристика: дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Алла Сергеевна Икряникова. М., 2016. – 290 с.; Воробьев А.В. Уголовно-правовые меры борьбы с преступлениями коррупционной направленности против интересов службы в органах местного самоуправления: дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08 / Александр Владимирович Воробьев. М., 2016. – 290 с.

**Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти** шунда кўринадикки, мазкур тадқиқот коррупциявий жиноятлар тушунчаси ва доирасини, уларнинг умумий ва ўзига хос белгиларини, ушбу турдаги жиноятларни квалификация қилиш масалаларини назарий асослашга ҳисса қўшади. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар кейинчалик мавзуга оид илмий тадқиқот олиб боришда ҳамда коррупциявий жиноятларни ўрганишда назарий манба сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** қуйидагилардан иборат:

- илмий ишнинг хулоса ва натижалари қонун ижодкорлиги амалиётида коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонунлар нормаларини янада такомиллаштиришга оид қонунларни қабул қилишда инобатга олиниши мумкин;

- ундаги хулоса ва таклифлар коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигини ошириш жараёнида комплекс ёндашувни амалга ошириш имконини беради;

- тергов ва суд амалиётида бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда ягона амалиётни йўлга қўйиш имконини яратади;

- тадқиқот ишидаги илмий хулосалардан коррупциявий жиноятларга қарши курашиш амалиётида ҳамда давлат Дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Диссертация кириш, уч боб ва уларга тегишли бўлган бешта параграф, хулоса, фойдалинилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, ишнинг ҳажми 110 бетдан иборат.

# **I БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРЛАРНИНГ ЖИНОЙИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

## **1.1. Коррупцияга оид жиноятлар тушунчаси**

Коррупциявий жиноятларнинг содир этилиши орқали коррупция амалда юзага келади. Шу сабабли ҳам, коррупцияга оид жиноятлар тушунчасини ва унинг таркибий элементларини тадқиқ қилиш коррупцияга қарши курашиш ва коррупциянинг олдини олишдаги энг асосий усул ва воситалардан биридир. Эътибор қаратишимиз лозимки, “коррупция” атамаси аксарият ҳолларда мулкӣ кўринишдаги наф олишга қаратилган порахўрлик жинояти сифатида тушунилади. Аммо, коррупциявий жиноятларнинг рўйхати порахўрлик жиноятлари билангина чекланиб қолмайди.

Коррупцияга оид жиноятлар тушунчасига таъриф беришдан олдин “коррупция” атамасининг мазмунини тушуниб олиш лозим бўлади. Бугунги кунда “коррупция” тушунчасининг барча элементларини тўлиқ қамраб олган таърифни учратиш мушкул. Жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур атамага нисбатан берилган таърифларни, шартли равишда, кенг ва тор маънолардаги ёндашувлар сифатида икки турга ажратишимиз мумкин.

Биринчи турдаги ёндашувга мисол қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1978 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг юриш-туриш кодекси”ни кўрсатишимиз мумкин. Мазкур ҳужжатнинг 7-моддаси “b” бандига асосан, коррупция – бу “мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги манфаат эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур манфаатни тақдим этувчи шахс фойдасини кўзлаб содир этган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги” тушунилади<sup>12</sup>.

---

<sup>12</sup> Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/code\\_of\\_conduct.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml)

Европа Кенгаши томонидан 1999 йилда қабул қилинган Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияда коррупцияга “пора олувчидан талаб қилинадиган мажбуриятлар ва юриш-туриш қоидаларини бажаришдан оғдиришга қаратилган ҳар қандай афзалликларни бевосита ва билвосита бериш, қабул қилиш, таклиф қилиш ёки сўрашдан иборат ҳаракатлар” сифатида таъриф берилади<sup>13</sup>.

Аксарият халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, миллий ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқшуносларининг асарларида “коррупция” тушунчасига нисбатан кенг ёндашувга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мазкур ёндашувга кўра, коррупция сифатида, нафақат порахўрлик, балки мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда ноқонуний наф олишга қаратилган ҳар қандай фаолият тушунилади. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси “коррупция” тушунчасига нисбатан бевосита таъриф бермасда, коррупциянинг турлари сифатида бир қатор жиноятлар рўйхатини ўзида акс эттирган. Мазкур Конвенциянинг 3-бобига мувофиқ, давлат мансабдор шахсларининг порахўрлиги, хорижий давлат мансабдор шахсларига ва халқаро оммавий ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш, давлат мансабдор шахси томонидан мол-мулкнинг талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши, жинорий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш, одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш, ғаразли мақсадларда мавқени суиистеъмол қилиш, хизмат лавозимининг суиистеъмол қилиниши, ноқонуний тарзда бойлик ортирилиши, хусусий секторда пора бериш, хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши, коррупциявий жиноят натижасида қўлга киритилган мол-мулкни яшириш каби қилмишлар коррупциявий жиноятлар сифатида белгиланган<sup>14</sup>.

---

<sup>13</sup> Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) // [Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/tu/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

<sup>14</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

Шу каби, Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенциясида ҳам мазкур тушунчага нибатан аниқ таъриф берилмасдан, унинг 2-бобида криминализация қилиниши лозим бўлган бир қатор коррупциявий жиноятларнинг рўйхати келтирилган: давлат мансабдор шахсининг актив ва пассив порахўрлиги, миллий давлат кенгашлари аъзоларининг порахўрлиги, хусусий сектордаги актив ва пассив порахўрлик, мансаб ваколатидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, коррупциявий жиноятлардан келган даромадларни легаллаштириш, хорижий давлат мансабдор шахсининг порахўрлиги, хорижий давлат кенгашлари аъзоларининг порахўрлиги, халқаро ташкилот мансабдор шахсининг порахўрлиги, халқаро парламент кенгашлари мансабдор шахсларининг порахўрлиги ҳамда халқаро судлар мансабдор шахслари ва судьяларининг порахўрлиги<sup>15</sup>.

Айрим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупция тушунчасига нисбатан қисқача таъриф берилган бўлиб, мазкур таърифлар ўрганилаётган тушунчанинг энг асосий қирраларинигина очиб беради. Жумладан, Transparency International ташкилоти мазкур тушунчани “ўзига ишониб топширилган ваколатларни шахсий манфаатлар учун суиистеъмол қилиш” сифатида таърифлайди<sup>16</sup>.

Ғарб давлатларида коррупция тушунчасига нисбатан таъриф беришда турлича (иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий) ёндашувларни учратишимиз мумкин.

Карен Катзнинг фикрича, “коррупция деганда ўз ваколатларини моддий ёки номоддий наф кўринишидаги шахсий бойлик ортириш мақсадида суиистеъмол қилиш тушунилади”<sup>17</sup>.

---

<sup>15</sup> Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27 января 1999 год) // [Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

<sup>16</sup> <https://www.transparency.org/what-is-corruption#define>

<sup>17</sup> Katz, Karen, Here Comes the Bribe: Canada's efforts to Combat Corruption in International Business, 69 Adv. 501 (2011).

Мазкур таъриф ўрганилаётган тушунчанинг барча элементларини камраб олмаган бўлса-да, унинг энг асосий жиҳатларини ўзида акс эттирган.

Стенфорд ҳуқуқ мактаби олимлари Д.Мистрее ва А.Диблейлар мазкур тушунчага нисбатан “шахснинг ўзи аъзоси бўлган ташкилотга нисбатан жамоатчиликнинг ишончини пасайтирган ҳолда фойда олишни кўзлаши натижасида содир бўладиган воқеа-ҳодиса” сифатида таъриф берганлар<sup>18</sup>.

Коррупция тушунчасига нисбатан мазкур таъриф жуда ҳам кенг маънода бўлиб, унинг мазмунига кўра аниқ доирадаги ҳаракатларгина эмас, балки шахснинг руҳий кечинмалари ҳам коррупциянинг бир қисми сифатида эътироф этилиши лозим бўлади.

Роз-Акерман, Сюзан ва Палифкаларнинг таъкидлашича, “коррупция, аксарият ҳолларда, хусусий секторда ишловчи шахсларнинг давлат сектори ходимларига пора бериши ҳамда бунинг натижасида мазкур мансабдор шахснинг бойлик ортиришга нисбатан манфаатлари ва давлат манфаатлари тўқнашуви натижасида юзага келади”<sup>19</sup>.

Фикримизча, юқоридагича таъриф коррупциянинг зарурий белгиларини тўлиқ камраб олмасдан, унинг амалга ошириш шаклларини ўзида акс эттирган.

Бусселл коррупция тушунчасини турлича йўллар билан таърифлаш мумкин бўлса-да, бироқ ҳеч бир таъриф барча илмий мақсадларни тўлиқ камраб ололмаслигини таъкидлайди<sup>20</sup>.

Шунингдек, аксарият рус олимлари коррупцияни порахўрлик жинойтлари сифатида таърифлашади. Жумладан, Н.А. Лопашенконинг фикрича, “пора эвазига оғдириб олиш ҳаракатлари пора олувчининг қонунбузарлигига олиб келади ва айнан шу ҳолат коррупциянинг

---

<sup>18</sup> Dinsha Mistree and Arjuna Dibley, Corruption and the Paradox of Transparency, Working Paper 03-2018, April 18, 2018.

<sup>19</sup> Rose-Ackerman, Susan, and Bonnie J. Palifka (2016). Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform, second edition. Cambridge: Cambridge University Press.

<sup>20</sup> Bussell, J. (2015) Greed, Corruption, and the Modern State Essays in Political Economy. Edward Elgar, London, 22-32.

мазмунини ўзида ифодалайди. Порахўрлик коррупциянинг ўзаги бўлиб, унда ҳар доимо мажбурий тартибда мавжуд бўлади”<sup>21</sup>.

Фикримизча, коррупция тушунчасини юқоридагича таърифлаш мақсадга мувофиқ эмас ва ўрганилаётган тушунча мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Мазкур таърифда коррупциявий жиноятлар порахўрлик жиноятлари билангина чеклаб қўйилган бўлиб, фикримизча, масалага бу каби ёндашиш нотўғри. Сабаби, коррупциявий жиноятларнинг доираси нисбатан кенгроқ бўлиб, ўз ичига порахўрликка оид жиноятларни ҳам камраб олади.

Бундан ташқари, мазкур ёндашув бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Жумладан, С.В. Максимовнинг фикрича, “коррупция – бу давлат мансабдор шахси ёки бошқа давлат хизматчиси, шу жумладан, судьялар ва депутатлар ёхуд тижорат ёки бошқа (шу жумладан, халқаро) ташкилотлар хизматчилари томонидан ўз мансабидан ғайриқонуний равишда фойдаланган ҳолда наф (шу жумладан, номоддий наф) ёки имтиёз олиш ёхуд муайян ҳуқуққа эга бўлиш, шунингдек, мазкур шахсларга бундай наф, хизмат ёки имтиёзларни тақдим қилишдир”<sup>22</sup>.

Ушбу ёндашувлар коррупциявий жиноятлар фақатгина шахсий мақсадларни кўзлаб содир этилишини илгари суради ва ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш каби масалаларни ўз ичига олмаганлиги жиҳатидан ўрганилаётган тушунчанинг мазмунини тўлиқ очиб бермайди.

Ушбу ёндашув ҳам ўта тор маънода бўлиб, коррупция тушунчасини тўлиқ очиб бермайди. Зеро, коррупциявий жиноятлар фақатгина тамагирлик ниятидагина содир этилмасдан, номоддий мақсадларни кўзлаши ҳам мумкин.

---

<sup>21</sup> Лопашенко Н. А. Противодействие российской коррупции: обоснованность и достаточность уголовно-правовых мер // Следователь. 2009. № 6. С.35–40.

<sup>22</sup> Максимов С. В. Коррупция. Закон. Ответственность. М. 2008. С. 116.

Профессор В.В. Лунеев мазкур масалага нисбатан кенгроқ ёндашиш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, “коррупция – порахўрликдан анча кенг бўлган ижтимоий ходисадир. У мансабдор шахс томонидан ўз ваколатларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳолатларни ўз ичига олади... Бозор иқтисодиёти, эркин савдо-сотиқ ҳамда демократия мавжуд бўлган шароитда коррупцияни фақатгина порахўрлик сифатида тушуниш нотўғри бўлади”<sup>23</sup>.

Нафақат давлат хизматчилари, балки хусусий секторнинг муайян ваколатга эга бўлган шахслари ҳам коррупциявий жиноятларнинг субъекти бўлиши мумкинлиги мазкур таърифнинг кўриляётган тушунча мазмунини очиб бермаслигини аниқлатади.

Миллий ҳуқуқшунос олимларимиз ҳам коррупция тушунчасига нисбатан ўз фикрларини баён этишган. Шу жумладан, Р.А.Зуфаровнинг фикрича, коррупция “шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказиш”ни аниқлатади<sup>24</sup>.

Б.Ж.Ахроров мазкур масалага нисбатан, “коррупция сўзи адабиётларда турлича талқин қилинади. Унинг ягона тушунчаси йўқ, у бир неча жиноятларни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Хатто халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан ҳам унинг ягона тушунчасини яратиб бўлмайди”, деб фикр билдиради.

Коррупция мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндисиدير. Коррупция деганда мансабдор шахслар томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан қонунга зид равишда фойдаланиб, оммавий тарзда моддий ёки номоддий манфаатдорликка эришиш тушунилади”<sup>25</sup>.

---

<sup>23</sup> Лунеев В. В. Преступность XX века: мировые, региональные и российские тенденции / М.: Волтерс Клувер, 2005. С. 212.

<sup>24</sup> Зуфаров Р. Порахўрлик- коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. № 4. – 41 б.

<sup>25</sup> Ахроров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – Б.143-146.



Шу ўринда, юқоридагича таърифда коррупция тушунчасига нисбатан “оммавий тарзда манфаатдорликка эришиш” таърифини қўллаш, фикримизча, тўғри бўлмайди. Сабаби, бу каби жинойтлар аксарият ҳолатларда шахснинг ўз манфаатларини кўзлаб содир этилади.

Эътиборли томони шундаки, коррупция тушунчасига нисбатан берилган таърифларнинг аксарияти фақатгина муайян ваколатларга эга бўлган шахсларнинг ўз ваколатларидан ғайриқонуний равишда фойдаланишни назарда тутиб, бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида наф кўраётган бошқа шахсларнинг қилмишларини, масалан, пора бериш ва пора олиш ва беришда воситачилик қилиш кабиларни қамраб олмайди.

Миллий қонунчилигимизда ҳам мазкур тушунчанинг моҳияти очиб берилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни қабул қилиниши билан коррупция тушунчасига нисбатан расмий таъриф берилди. Мазкур Қонуннинг 3-моддаси мазмунига мувофиқ, “коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”дир<sup>26</sup>.

Мазкур расмий таъриф орқали “коррупция” тушунчасининг моҳияти юқорида келтирилган таърифларга нисбатан анчайин мукамал тарзда очиб берилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ушбу таърифдан тушуниладики:

- коррупциянинг субъекти мансабдор шахслар ёки хизматчилар бўлиши мумкин;

- коррупция нафақат ўз манфаатларини, балки ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳам содир этилиши мумкин;

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>

- коррупцияни содир этишдан кўзланган наф фақатгина моддий эмас, номоддий шаклда ҳам бўлиши мумкин;

- ушбу ҳаракатлар шахсинг ўз мавқеидан қонунга хилоф равишда фойдаланиши орқали содир этилади;

- юқоридагича нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш, яъни муайян ваколатга эга бўлган шахсни коррупциявий жиноятни содир этишга ундаган ҳолда таъсир ўтказиш ҳам коррупциявий жиноят саналади.

Амалдаги қонунчилигимиз “коррупциявий жиноятлар” тушунчасига таъриф бермаган. Аммо, Қонунда шунга ўхшаш бошқа бир тушунча – “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” тушунчасига таъриф берилиб, унга кўра коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади<sup>27</sup>.

Юридик адабиётларда “коррупциявий жиноятлар” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжудлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, С.К.Илийнинг фикрича, мазкур турдаги жиноятлар сифатида жисмоний ёки юридик шахсларнинг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ёхуд ўз ваколатлари ва мажбуриятларини бажармаслиги орқали қасддан содир этилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги тушунилиши лозим<sup>28</sup>.

А.Д. Ильяковнинг таъкидлашича, “ҳар қандай коррупциявий қонунбузарликларнинг асосида давлат бошқаруви тизимида маълум бир мансабни эгаллаган ва давлат томонидан тегишлича ваколатлар берилган шахсинг мазкур ваколатлардан шахсий мақсадларда ёки давлат манфаатларига зид равишда фойдаланиши билан боғлиқ бўлган манфаатлар тўқнашуви ётади.

Миллий қонунчилигимизда “коррупциявий жиноятлар” тушунчасининг мазмуни бошқа атамалар, жумладан, “коррупция” ва

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>

<sup>28</sup> Илий С. К. Административные правонарушения коррупционной направленности // Административное и муниципальное право. 2015. № 5. С.462.

“коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” тушунчаларига расмий таъриф бериш орқали очиб берилган. Бироқ, амалдаги жиноят қонунчилигимизда коррупциявий жиноятларнинг аниқ доираси мавжуд эмас. Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, коррупциявий жиноятлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисми “г” банди, 168-модда 2-қисми “в” банди, 192<sup>9</sup>, 192<sup>10</sup>, 210-214-моддалари, шунингдек, шахсий манфаатларни ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тамагирлик ниятида содир этилган Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми “г” банди, 192<sup>11</sup>, 205-206, 209 ва 301-моддалари ҳамда юқорида кўрсатилган жиноятлардан олинган даромадлар билан боғлиқ ҳолда содир этилган Жиноят кодексининг 243-моддасини назарда тутиш лозим.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, коррупциявий жиноятлар – бу мансабдор шахс ёки хизматчининг ўзига ишониб топширилган ваколатлар ёхуд мансаб мавқеидан шахсий ёки бошқа шахсларнинг моддий ва номоддий наф кўриши учун ғаразли мақсадларда фойдаланишидан, шунингдек уларни ушбу мақсадларда ўзига оғдиришдан иборат бўлган жиноятлардир.

Коррупция тушунчасини таърифлашга нисбатан юқоридагича ёндашувлар мазкур тушунчанинг қуйидаги жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Биринчидан, коррупцияга оид жиноятлар тегишлича ваколатга эга бўлган шахслар томонидангина эмас, балки бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида наф кўраётган бошқа шахсларнинг қилмишларини ҳам назарда тутати.

Иккинчидан, мазкур турдаги жиноятлар ўзига топширилган ваколатларнинг қонунга хилоф равишда ва ғаразли ниятларда суиистеъмол қилиниши орқали содир этилади.

Учинчидан, коррупциявий жиноятлардан олинадиган фойда моддий ва номоддий кўринишларда бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, бу турдаги қилмишлар фақатгина уни содир этаётган шахснинг ўз манфаатларини кўзлаб эмас, балки бошқа шахслар манфаати йўлида ҳам содир этилади.

## 1.2. Коррупцияга оид жиноятларнинг объектив ва субъектив белгилари

Коррупция – бу ягона таркибга эга бўлган алоҳида жиноят эмас. Жиноят қонунчилиги коррупция учун эмас, балки коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутди. Бу эса, коррупциянинг бир канча жиноятлар йиғиндиси эканлигини англатади.

Мазкур қарашни бир қатор хорижий олимлар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Жумладан, И.И.Карпецнинг таъкидлашича, “жаҳондаги қонунларнинг бирортасида “коррупция” тушунчаси жиноят таркиби сифатида тилга олинмайди, зеро у жиноят таркибини ташкил этмайди, балки жиноятчилик каби, бошқа кўпгина ижтимоий ҳодисалар каби ижтимоий ҳодисадир”<sup>29</sup>.

Миллий жиноят қонунчилигимизда коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддалар Жиноят кодексининг ягона бобига жамланмаган. Коррупциявий жиноятларнинг аксарияти Жиноят кодексининг 15-бобида (“Бошқарув тартибига қарши жиноятлар”) ва айримлари 10-боб (“Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш”), 17-боб (“Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар”) ҳамда 24-боб (“Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари”)да ўз аксини топган.

Қуйида коррупцияга оид жиноятларни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан тавсифлаб, уларнинг объекти, объектив томони, субъектив томони ва субъекти масалаларига бирма-бир тўхталамиз.

Жиноятнинг объекти сифатида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Жумладан, М.Х.Рустамбаевнинг фикрича, “жиноят объекти – жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатдир”<sup>30</sup>.

---

<sup>29</sup> Карпец И.И. Организованная преступность как социальная и юридическая проблема, ее тенденции и причины. Организованная преступность-2. / Под ред. А.И.Долговой, С.В.Дьякива. – М., 1993. – С.13-15.

<sup>30</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. 1-жилд: Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. – Т.: «ТДЮИ» нашриёти, 2010. – 178-бет.

Бундан тушунишимиз мумкинки, жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноят содир этилиши натижасида унга зарар етказилади ёки зарар етказилиши хавфи юзага келади.

Коррупциявий жиноятларнинг объекти ҳақида фикрларни бир қатор хорижий ҳуқуқшунос-олимларнинг асарларида кўришимиз мумкин. Жумладан, А.Н. Агыбаев бундай турдаги жиноятларнинг объекти “давлат аппаратининг тўғри фаолият юритиши” эканлигини таъкидлайди<sup>31</sup>.

В.Е.Мельникованинг фикрича эса, “давлат ва жамоат аппарати тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар” коррупциявий жиноятларнинг объекти бўлиб хизмат қилади<sup>32</sup>.

Бошқа бир гуруҳ олимлар коррупциявий жиноятлар объекти сифатида “давлат хизматининг обрўсини, унга нисбатан халқнинг ишончи ва ҳурматини, давлат аппаратининг қонуний қаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар”ни кўрсатишади<sup>33</sup>.

А.Х.Саттаровнинг таъкидлашича, мазкур турдаги жиноятлар объекти сифатида “давлат ёки жамоат аппарати фаолиятини ташкил этувчи ва жамият талабларига мос келувчи бир тоифали ижтимоий муносабатлар гуруҳи” тушунилади<sup>34</sup>.

Фикримизча, коррупциявий жиноятларнинг объектини аниқлашда умумий ва бевосита объектларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш лозим бўлади.

Коррупциявий жиноятларнинг умумий объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритишини, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий

---

<sup>31</sup> Агыбаев А. Н. Ответственность должностных лиц за служебные преступления.— Алматы: Жеті жарғы, 1997. С. 25.

<sup>32</sup> Мельникова К.Е. Должностные преступления. Вопросы уголовно-правовой квалификации. – М.: ВЮЗИ, 1985. – С. 6.

<sup>33</sup> Проблемы борьбы с коррупционными преступлениями: Учебное пособие // С. Б. Коваленко, М. Т. Кожамкулов, Ж. В. Он-гарбекова, А. С. Рахметова.— Алматы: ООНИ и РИР Академии МВД РК, 2004. С. 89.

<sup>34</sup> Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий и организации. Автореф. ... канд. юрид. наук. – Т., 1990. – С.10.

муносабатлар ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур ижтимоий муносабатлар Жиноят кодексининг 205-206, 209-214-моддалари учун бевосита объект бўлиб хизмат қилади.

Жиноят кодекси 192<sup>9</sup>-192<sup>11</sup>-моддаларида кўрсатилган жиноятларнинг бевосита объекти хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлардан иборат.

Мулкни мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш орқали ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг бевосита объекти айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятининг бевосита объекти эса, ўзганинг мулки ёки мулкрий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

Кўришиб турибдики, коррупциявий жиноятларнинг объектига хос умумий жиҳат шундаки, коррупциявий жиноятлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат бирлашмалари фаолияти билан боғлиқ давлат аппаратининг нормал фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ва бу муносабатларда айрим фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига тажовуз этади.

Мазкур турдаги жиноятларнинг предмети масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ лозим бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида “коррупция” тушунчасига нисбатан берилган расмий таъриф мазмунидан англашиладики, коррупциявий жиноятларнинг предмети нафақат моддий, балки номоддий наф ҳам бўлиши мумкин<sup>35</sup>.

---

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

Шунингдек, соҳага оид халқаро конвенцияларнинг қарийб барчасида, шу жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида ҳам коррупциявий жиноятларнинг предмети сифатида моддий ва номоддий қимматликлар ҳамда мулкӣ ва номулкӣ наф назарда тутилган.

Аммо, жиноят қонунчилиги коррупциявий жиноятлар, жумладан, пора олиш жиноятининг предмети сифатида фақатгина моддий қимматликлар ва мулкӣ манфаатдорликни назарда тутди. Шу каби нормаларни Жиноят кодексининг 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup>, 211, 213-214-моддалари диспозицияларида ҳам кўришимиз мумин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига асосан, “пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкӣ моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин”<sup>36</sup>.

Кўришиб турганидек, амалдаги жиноят қонунчилигидаги коррупциявий жиноятлар предметида оид нормалар тегишли Қонун ва халқаро стандартлар талабларига жақоб бермайди. Шу сабабли, юқорида санаб ўтилган моддаларнинг диспозицияси ҳамда тегишли пленум қарорига номоддий қимматликлар ҳамда номулкӣ манфаатдорликни ҳам жиноят предмети сифатида эътироф этишни назарда тутадиган ўзгартиришларни киритиш лозим бўлади.

Жиноят таркиби элементларидан яна бири – бу жиноятнинг объектив томонидир. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётида бу масалага алоҳида эътибор берилишининг асосий сабаби, жиноят таркиби объектив томонини тўғри аниқлаш, қилмишни тўғри квалификация қилиш, ўхшаш

---

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сонли «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>



жиноятларни бир-биридан, жиноий қилмишни маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарликдан фарқлаш имконини беради.

Қуйида ҳар бир коррупциявий жиноятларнинг объектив томони масаласига бирма-бир тўхталамиз.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жинояти объектив томондан давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасдан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида ифодаланади.

Мазкур модда мазмунига аниқлик киритиш учун унинг бир қатор элементлар, жумладан, “давлат иштирокидаги ташкилот”, “мансабдор шахс”, “кўп миқдордаги зарар”, “жиддий зиён” каби тушунчаларнинг мазмунини кўриб чиқиш лозим бўлади.

Авалло, Жиноят кодексига кўра, давлат иштирокидаги ташкилот деганда устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ҳамда тўлиқ ёки қисман давлат органи ёхуд давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти тушунилади.

Шуниси эътиборга молиқки, амалдаги қонунчилик устав фондида давлатнинг ҳар қандай миқдордаги улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилотини давлат иштирокидаги ташкилот деб баҳолаб, бундай ташкилот ходими томонидан жиноят содир этилганда, мансабдорлик жиноятлари сифатида квалификация қилинади.

Фикримизча, амалдаги қонунчиликка устав фондида *элик фоиздан ортиқ бўлган миқдордаги* давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилотинигина давлат иштирокидаги ташкилот дея баҳолашни назарда тутувчи ўзгартириш киртиш лозим.

Шунингдек, Жиноят кодексига мувофиқ, мансабдор шахс деганда, доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки

сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади.

Базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар кўп миқдордаги зарар ҳисобланади.

Бир қатор жиноятларнинг зарурий элементи сифатида жиддий зиённинг юзага келиши лозимлиги кўрсатилган бўлсада, амалдаги қонунчилик жиддий зиён деганда айнан қандай оқибатлар тушунилиши масаласига аниқлик киритмаган.

Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш жиноятининг (ЖК 206-моддаси) объектив томони давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Бунда, мазкур жиноят объектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига путур етказиш кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши, шунингдек, қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш бўлиши мумкин.

Мансаб сохтакорлиги жинояти объектив томондан, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб

расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этишида ифодаланади.

Ушбу жиноят объектив томонининг зарурий элементи фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш ҳисобланади.

Пора олиш жиноятининг объектив томони давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини қўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлишида ўз ифодасини топади.

Пора бериш эса, шундай шахсга унинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини қўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этишида кўринади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти объектив томондан пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш ҳисобланади.

Фикримизча, Жиноят кодексининг 192<sup>10</sup>, 213 ҳамда 214-моддалари номини тегишли равишда хизматчини ҳақ эвазига оғдириб олиш ва хизматчининг ҳақ эвазига манфаатдор бўлиши сифатида ўзгартириш лозим бўлади. Сабаби, амалдаги ҳолатда мазкур моддаларни порахўрлик жиноятлари билан фарқлашда мураккабликлар юзага келиши мумкин.

Моддалар диспозициясидаги “пора” сўзлари ҳам “ҳақ” сўзлари билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мансабдор шахснинг ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг объектив томони айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш, шунингдек мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилишдан иборат.

Давлат хизматчисининг фирибгарлиги эса, объектив томондан хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишда ифодаланади.

Тижоратдаги порахўрлик ва ваколатни суиистеъмол қилиш жиноятлари ЖКнинг 205, 210-214-моддаларидан субъектига кўра фарқланиб, бунда пора олувчи бўлиб нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахси (хизматчиси) ҳисобланади.

Коррупцияга оид жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг легаллаштириш жинояти объектив томондан мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) мазкур турдаги жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлашда ифодаланади.

Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш жиноятининг (ЖК 301-моддаси) объектив томонини бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши ташкил қилиб, бунда жиноят объектив томони зарурий белгиси Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан

кўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши оқибатининг келиб чиқиши ҳисобланади.

Айрим коррупциявий жиноятлар, жумладан ваколатни суиистеъмол қилишга оид жиноятларда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Бунда, ижтимоий хавфли зарарнинг келиб чиқиши содир этилган қилмишнинг қонуний давоми бўлиши лозим. Шахснинг хоҳишидан ташқари айрим сабабларга кўра вужудга келган тасодифий оқибатни шахснинг айбига киритиб бўлмайди. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва ундан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишгина бундай асосни ташкил қилади<sup>37</sup>.

Субъектив томонига кўра коррупциявий жиноятларнинг барчаси тўғри қасддан содир этилади. Умуман олганда, жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур масалада тортишувлар деярли мавжуд эмас<sup>38</sup>.

Шунингдек, айрим коррупциявий жиноятларнинг, шу жумладан, мансаб сохтакорлигининг субъектив томони зарурий белгисини “ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб” содир этиш ташкил этади. Ушбу элемент мавжуд бўлмаганда, башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, қилмиш жиноий деб топилмайди.

Коррупциявий жиноятларнинг субъекти жиноят қонунида белгиланган ёшга етган, ақли расо, коррупция билан боғлиқ жиноятни содир этган ҳар қандай жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуқи назариясида ақли расо шахсларгина жиноий жавобгар деб топилади. Зотан, ақли расолик айб ва жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ҳисобланади<sup>39</sup>.

Коррупциявий жиноятларнинг субъекти мансабдор шахс ёки хизматчилар ва айрим ҳолатларда, масалан, пора ёки ҳақ бериш ёхуд бунда

---

<sup>37</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. / М.А.Абдуҳолиқов, Б.Д.Ахраров ва бошқ. М.Усмоналиев умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 1998. – Б. 77-78.

<sup>38</sup> Купратая А. В. Понятие и виды коррупционных правонарушений // Актуальные проблемы права, экономики и управления. 2016. № 12. С.133.

<sup>39</sup> Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 6.

воспитачилик қилишда муайян ваколатларга эга бўлган жисмоний шахс ҳам бўлиши мумкин.

Шу тариқа коррупциявий жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифига яқун ясар эканмиз, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- коррупциявий қилмишлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат бирлашмалари фаолияти билан боғлиқ давлат аппаратининг нормал фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ва бу муносабатларда айрим фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қилади;

- ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансабдор шахс томонидан ўз мансаб ваколатларидан давлат манфаатларига зид равишда фойдаланиш деярли барча коррупциявий жиноятлар объектив томонининг асосий белгиси ҳисобланади;

- барча коррупциявий жиноятларнинг субъектив томони тўғри қасднинг, аксарият жиноятлар ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатдорликнинг мавжудлиги билан тавсифланади;

- айрим коррупциявий жиноятларнинг зарурий белгиси бўлган “жиддий зиён” тушунчаси айнан қандай оқибатларни қамраб олиши ҳақида расмий изоҳнинг мавжуд эмаслигининг ўзиёқ коррупциявий хавфни юзага келтириши мумкин.

## **II БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бўйича стандартлар: БМТ ва ИХТТ мисолида**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини белгилаш, шунингдек, коррупцияга оид жиноят қонунчилигини ишлаб чиқишда энг асосий вазифалардан бири – бу халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишдир. Соҳага оид халқаро стандартлар кўплаб ривожланган давлатларнинг тажрибаларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг имплементация қилиниши қонунчиликнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Коррупцияга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бўйича халқаро стандартлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Европа Кенгаши каби универсал ва минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган<sup>40</sup>. Жумладан, БМТнинг 2003 йилдаги Коррупцияга қарши конвенцияси, 1996 йилдаги Давлат мансабдор шахсларининг халқаро юриш-туриш кодекси, 2000 йилдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 2001 йилдаги “Коррупцияга қарши самарали халқаро-ҳуқуқий ҳужжат” номли 55/61-сонли резолюцияси, 2006 йилдаги Судьяларнинг юриш-туриши тўғрисидаги Бангалор тамойиллари, Европа Кенгашининг 1999 йилдаги Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциялари, 2000 йилдаги Давлат хизматчилари учун ахлоқ кодекси

---

<sup>40</sup> Corruption: A Glossary of International Criminal Standards // [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/41194428.pdf>

тўғрисида Европа Кенгашининг Вазирлар қўмитаси тавсиялари, 2005 йилдаги Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги Конвенцияси, шунингдек Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 1997 йилдаги Халқаро иш амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича конвенцияси ва 2011 йилдаги Коррупцияга қарши кураш бўйича Истамбул ҳаракатлар режаси соҳага оид стандартларни ўзида акс эттирган.

Коррупцияни криминализация қилишга оид халқаро стандартлар, айниқса БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, ИХТТнинг Халқаро иш амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича конвенцияси ҳамда Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциясида кенгроқ доирада белгиланган.

Европа Кенгаши ва БМТнинг номи юқорида тилга олинган Конвенцияларида белгиланган нормаларнинг аксарияти бир-бирини такрорлайди<sup>41</sup>. Шу сабабли, Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциясига алоҳида тўхталаб ўтиш жоиз эмас деб ҳисоблаймиз. Қуйида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳамда ИХТТнинг Халқаро иш амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича конвенцияси нормалари мисолида коррупциявий қилмишларни криминализация қилиш масалаларини кўриб чиқамиз.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси соҳага оид энг асосий ҳужжатдир. ИХТТ Конвенциясида фақатгина халқаро ташкилот ёки хорижий давлат мансабдор шахсининг актив порахўрлиги ҳамда ушбу турдаги жиноятларни яшириш ёки улар натижасида топилган даромадларни

---

<sup>41</sup> Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27 января 1999 год) // [Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>



легализация қилиш учун жиноий жавобгарлик масалалари билан чегараланган бўлса, БМТ Конвенцияда коррупциявий жиноятларнинг криминализация қилиниши масалаларига нисбатан кенгроқ ёндашилган. Зеро, БМТ Конвенциясининг 3-боби (“Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти”) 15-25-моддаларида коррупциявий жиноятларни криминализация қилишга оид стандартлар белгиланган бўлиб, уларни ҳам ўз ичида икки қисмга ажратади: иштирокчи-Давлатлар томонидан криминализация қилиниши, яъни жиноят деб эътироф этилиши **шарт** бўлган ва **ихтиёрий** бўлган жиноятлар<sup>42</sup>.

Криминализация қилиниши шарт бўлган жиноятларга қуйидагилар киради:

- давлат мансабдор шахсларининг порахўрлиги (15-модда);
- хорижий давлат мансабдор шахсларига ва халқаро оммавий ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш (16-модда 1-қисми);
- давлат мансабдор шахси томонидан мол-мулкнинг талон-тороғ қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши (17-модда);
- жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш (23-модда);
- одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (25-модда).

Ҳақиқатдан ҳам, юқоридаги санаб ўтилган жиноятларнинг криминализация қилиниши коррупцияга қарши курашда самарали глобал ҳамкорликни амалга оширишнинг энг муҳим ва асосий омили ва шу сабабли, уларнинг криминализация қилиниши мажбурий этиб белгиланган.

Конвенция иштирокчи-Давлатлар томонидан криминализация қилиниши ихтиёрий бўлган коррупциявий жиноятлар сифатида қуйидагиларни белгилайди:

---

<sup>42</sup> Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), pp. 76-77.

- хорижий давлат мансабдор шахслари ва халқаро оммавий ташкилотлар мансабдор шахсларининг пора олиши (16-модда 2-қисми);
- ғаразли мақсадларда мавқени суиистеъмом қилиш (18-модда);
- хизмат лавозимини суиистеъмом қилиш (19-модда);
- ноқонуний тарзда бойлик ортирилиши (20-модда);
- хусусий секторда пора бериш (21-модда);
- хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши (22-модда);
- коррупциявий жиноят натижасида қўлга киритилган мол-мулкни яшириш (24-модда).

Шуни инобатга олиш лозимки, Конвенцияда коррупциявий қилмишларни криминализация қилишга оид минимал стандартлар белгиланган бўлиб, бунда давлатлар Конвенция белгиланган доирадан четга чиққан ҳолда, бошқа қилмишларни ҳам коррупциявий жиноят деб топиши ва криминализация қилиши ёхуд аллақачон, яъни Конвенцияга қўшилишдан олдин криминализация қилган бўлиши мумкин<sup>43</sup>.

Конвенция порахўрлик жиноятларини субъектига кўра иккига ажратиб, шу орқали миллий мансабдор шахсларнинг порахўрлиги ҳамда хорижий давлат мансабдор шахслари ёки халқаро оммавий ташкилотларнинг мансабдор шахсларининг порахўрлиги жиноятларини бир-биридан фарқлайди. Жумладан, Конвенциянинг 15-моддасида миллий мансабдор шахсларнинг актив ва пассив порахўрлигига оид нормалар белгиланган.

Унинг мазмунига кўра: **актив порахўрлик** – бу давлат мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор ҳаракатни амалга

---

<sup>43</sup> Interpretative notes for the official records (travaux préparatoires) of the negotiation of the United Nations Convention against Corruption (Addendum) // Report of the Ad Hoc Committee for the Negotiation of a Convention against Corruption on the work of its first to seventh sessions (A/58/422/Add.1), para. 22.

ошириши ёки ҳаракатсизлиги мақсадида, бирор ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этишдир.

Кўриб турганимиздек, Конвенция иштирокчи-Давлатлардан “пора бериш” билан биргаликда порани “таклиф қилиш” ёки “ваъда қилиш” учун ҳам жинойй жавобгарликни белгилаш лозимлигини назарда тутди. Бундай нормалар эса, халқаро ҳамжамиятнинг юқоридаги ҳар учала турдаги қилмишни зарарли ва жазога сазовор, дея ҳисоблаш лозимлиги ҳақидаги нуқтаи назарини ўзида акс эттиради.

Албатта, пора бериш, пора таклиф қилиш ва пора беришни ваъда қилиш бир-биридан фарқ қилади. Пора ҳақидаги таклиф пора берувчи порани беришга тайёр эканлигини маълум қилганида юзага келади. Пора беришни ваъда қилиш эса, пора олувчи билан бу ҳақда келишиш орқали вужудга келиб, бунда пора олувчи пора берувчининг бу ҳақдаги таклифини қабул қилиши ёки пора берувчи пора олувчининг пора бериш ҳақидаги таклифини қабул қилиши кўринишида бўлиши мумкин. Пора бериш ҳаракати пора предмети пора олувчига ўтиши орқали содир этилади<sup>44</sup>.

Эътиборга молик томони шундаки, юқоридаги норма мазмунига мувофиқ, пора бериш ва пора таклиф қилиш ҳаракатлари пора олувчи билан олдиндан келишувнинг мавжудлигини талаб қилмайди, яъни пора бериш ва пора таклиф қилишда пора олувчи томонидан пора предмети ёки таклифнинг қабул қилиниши, айрим ҳолатларда эса, ҳаттоки пора тақдим ёки таклиф қилинаётган шахс бу ҳақда билиши ҳам шарт эмас. Бунга мисол қилиб, пора ҳақидаги таклиф ёки пора предметининг пора олувчига келиб тушишидан олдин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тўхтатилишини кўрсатишимиз мумкин.

Конвенциянинг юқорида келтирилган моддасига кўра, **пассив порахўрлик** – бу бирор мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор-бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор

---

<sup>44</sup> Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 83.

шахсининг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирор ноқонуний афзалликни шахсан давлат мансабдор шахси томонидан ёки воситачилар орқали сўраш ёки қабул қилиб олишдир.

Мазкур норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда, давлат мансабдор шахсининг пассив порахўрлиги жиноятини икки категорияга ажратишимиз мумкин: порани қабул қилиш ва пора беришни сўраш. Пора олиш пора предметининг пора берувчидан бевосита ёки билвосита пора берувчига ўтиши орқали содир бўлади. Пора беришни сўрашда эса, пора олувчи мансабдор шахс бошқа бир шахсга ўзининг маълум бир ҳаракатни бажариши ёки бажаришдан тийилиши учун пора бериши лозимлигини маълум қилишида намоён бўлади<sup>45</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда, Конвенция пора беришни сўраш, пора беришни ваъда қилиш ҳамда пора таклиф қилиш каби ҳаракатлар содир этилганда, пора олувчи ва пора берувчи ўртасида келишув мавжудлиги ёғи мавжуд эмаслигидан қатъи назар, уларни тамомланган жиноят деб топишни назарда тутати.

БМТнинг тушунтиришларига кўра, шахсни актив ёки пассив порахўрлик жиноятлари билан айблашда тегишли афзалликларнинг бевосита ҳамда дарҳол тақдим қилиниши каби зарурий элементлар талаб этилмайди. Афзалликларнинг ваъда қилиниши, таклиф қилиниши, воситачи орқали берилиши ёки пора олувчига яқин бўлган бошқа бир шахс ёхуд ташкилотга тақдим қилиниши ҳолатларини ҳам порахўрлик жиноятлари сифатида баҳолаш ва жиноят қонунчилиги билан қамраб олиш лозим. Бунда, энг асосий талаблардан бири – бу юқоридаги хатти-ҳаракатларнинг мансаб лавозими ёки хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда, шунингдек қасддан содир этилишидир<sup>46</sup>.

---

<sup>45</sup> Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 84.

<sup>46</sup> Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 83-84.

БМТ Конвенциясининг 16-моддасида хорижий давлат ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсининг порахўрлигига оид нормалар белгиланган бўлиб, унинг мазмунига кўра, хорижий давлатнинг ёки халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахсининг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс халқаро ишларни юритиш юзасидан тижорат ёки бошқа ноқонуний афзалликка эга бўлиш учун ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракатсизлиги мақсадида бирор афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиши ёхуд юқорида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахсининг шу каби бирор афзалликни қабул қилиши, сўраши ёки таклифни қабул қилиши, қасддан содир этилганда, коррупциявий жиноят сифатида эътироф этилади<sup>47</sup>.

Юқоридагича нормани ИХТТ Конвенциясининг 1-моддасида ҳам кўришимиз мумкин. Фарқли томони шундаки, ИХТТ Конвенциясида фақатгина мазкур жиноятнинг актив кўринишига эътибор қаратилади, яъни хорижий давлат ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсини пора эвазига оғдириб олиш учун жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилган бўлиб, Конвенция бундай шахсларнинг пора олиши ёки пора сўраши учун жавобгарлик белгилашни назарда тутмайди.

Хорижий давлат ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсининг пора хўрлиги жиноятларини миллий мансабдор шахсининг порахўрлиги жинояти билан солиштирганда, уларнинг ҳар иккаласи ҳам қарийб бир хил элементларни ўз ичига олади. Фарқли томони шундаки, ушбу турдаги жиноятларнинг субъекти фақатгина хорижий давлатлар ёки халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари бўлиши мумкин. Бошқа бир фарқи,

---

<sup>47</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

ушбу турдаги жиноятни содир этишга қаратилган хатти-ҳаракатлар халқаро даражадаги ёрдам (афзаллик) бериш билан боғлиқ ҳолда бўлиши лозим<sup>48</sup>.

БМТ Конвенциясининг 17-моддаси мансабдор шахснинг ўзи ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс фойда олиши мақсадида хизмат мавқеига кўра ушбу мансабдор шахснинг қармоғида бўлган бирор-бир мол-мулк, оммавий ёки хусусий маблағларни ёхуд қимматли қоғозлар ёки исталган бошқа қимматли предметни мансабдор шахс томонидан ўғирланишини, ноқонуний ўзлаштирилишини ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, қачонки улар қасддан содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўришни назарда тутди.

Мулкнинг ўғирланиши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилиши каби қилмишларни коррупциявий жиноят деб эътироф этиш учун бир қатор зарурий элементларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Жумладан, мазкур мол-мулкни бошқариш ёки сақлаш учун жавобгарлик юқоридагича хатти-ҳаракатларни содир этган мансабдор шахснинг хизмат вазифаси ҳисобланиши, ушбу ҳаракатлар мазкур мансабдор шахснинг ўзи ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс фойда олиши мақсадида содир этилиши, шунингдек, ушбу ҳаракатларнинг қасддан содир этилиши лозим. Бунда, мол-мулк деганда, ҳарқандай кўринишдаги мулк, шу жумладан, давлат ёки хусусий фондлар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар назарда тутилади<sup>49</sup>.

Ғаразли мақсадларда мавқени суиистеъмол қилиш учун жиноий жавобгарлик белгилаш лозимлиги ҳақидаги норма Конвенциянинг 18-моддасида белгиланган бўлиб, мазкур модда мазмунига кўра, қуйидаги

---

<sup>48</sup> Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 85-86.

<sup>49</sup> Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 88.

икки хил ҳолат ғаразли мақсадларда мавқени суиистеъмол қилиш деб ҳисобланади:

- давлат мансабдор шахсига ёки исталган бошқа шахсга шахсан ёки воситачилар орқали иштирокчи-Давлатнинг-маъмурияти ёки тегишли органидан ушбу ҳаракатларнинг биринчи ташаббускори ёки исталган бошқа шахс учун бирор ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган мавқеини суиистеъмол қилиши эвазига бирор ноқонуний афзалликларни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

- давлат мансабдор шахси ёки бошқа шахс томонидан бевосита ёки воситачилар орқали бошқа бир давлат мансабдор шахси ёки бошқа шундай шахс иштирокчи-Давлатнинг маъмурияти ёки оммавий органидан шахсан ўзи ёки бошқа шахс учун бирор ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган мавқеини суиистеъмол қилиши учун бирор ноқонуний афзалликларни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш<sup>50</sup>.

Мазкур жинойт ўз юридик табиатига кўра Конвенциянинг 15-моддасида кўрсатилган жинойтлар билан ўхшаш ҳисобланади. Зеро, ушбу жинойтда ҳам “қабул қилувчи” ҳамда “тақдим қилувчи” мавжуд бўлиб, биринчиси тақдим қилинган афзаллик эвазига ўзининг мавқеидан келиб чиққан ҳолда шу шахсининг фойдасига қарор чиқарилишига таъсир кўрсатса, иккинчиси бу ҳаракатлар учун ноқонуний афзаллик тақдим қилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг юқоридаги норма мазмуни юзасидан тушунтиришларига кўра, мавқени суиистеъмол қилувчи шахс нафақат давлат мансабдор шахси, балки тегишлича мавқега эга бўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Шунингдек, қарор қабул қилувчи шахс

---

<sup>50</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

“қабул қилувчи” ва “тақдим қилувчи” ўртасидаги келишув ҳақида билиши ҳам шарт эмас ва бундай ҳолатда унга нисбатан жавобгарлик ҳам келиб чиқмайди<sup>51</sup>.

Хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш ҳаракатларининг криминализация қилиниши Конвенциянинг 19-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра ҳар бир иштирокчи-Давлат хизмат ваколатларидан фойдаланишни ёки хизмат лавозимини суиистеъмол қилишни, яъни давлат мансабдор шахси ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида қонунга хилоф равишда шахсан ўзи ёки бошқа юридик ёхуд жисмоний шахс учун бирор ноқонуний афзалликларни олиш мақсадида бирор ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслигини, қачонки улар қасддан содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

Мазкур норма давлат хизматчисининг қонунга хилоф равишда фойда кўришни мақсад қилиб, ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгилашни назарда тутди.

Конвенциянинг 20-моддаси ноқонуний тарзда бойлик ортириш учун жавобгарликни белгилаш масаласини кўриб чиқишни тавсия этади. Мазкур модда мазмунига кўра, ноқонуний тарзда бойлик ортириш – бу давлат мансабдор шахси активлари унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берилмайдиган даражада ошиб кетишидир.

Конвенция иштирокчи-Давлатларга ноқонуний бойиш учун жавобгарлик белгилашни мажбурият сифатида эмас, балки тавсия сифатида белгилайди ҳамда ҳар бир иштирокчи-Давлат ўз конституцияси ва ҳуқуқий

---

<sup>51</sup> Коррупция: Глоссарий международных стандартов в области уголовного права (ОЭСР, 2007) // [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/41194582.pdf>



тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилган ҳолда ноқонуний бойиш учун жавобгарлик белгилаш имкониятини кўриб чиқишни тавсия этади<sup>52</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга кўшилишда унинг 20-моддаси қўлланилишини истисно қилиш ёки унинг юридик кучини ўзгартириш истагини ифодаловчи қўшимча шартни (оговорка) ёки ёзма баёнотни эълон қилмаган<sup>53</sup>.

Фикримизча, ноқонуний бойиш учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши коррупциянинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Сабаби, бу орқали коррупциявий жиноятларни исботлашнинг бошқа ҳеч қандай усул ва воситаси мавжуд бўлмаган ҳолатларда, мазкур жиноят учун жавобгарликдан сўнгги чора сифатида фойдаланиш ҳамда коррупцияга қарши курашишдан кўзланган асосий мақсадга – ҳеч кимнинг жиноят натижасида бойимаслигига эришиш мумкин.

Хусусий сектордаги порахўрлик жинояти Конвенциянинг 21-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахсининг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирор ҳаракатни амалга ошириши ёхуд ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки воситачилар орқали бирор афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, шунингдек, бундай шахс томонидан бирор ноқонуний афзалликни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш каби ҳаракатлар хусусий сектордаги порахўрлик жиноятлари сифатида эътироф этилади<sup>54</sup>.

Хусусий сектордаги порахўрлик жиноятлари юқорида кўриб чиқилган давлат мансабдор шахсининг порахўрлиги жиноятларидан

---

<sup>52</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида”ги Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>;

<sup>54</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

субъектига кўра фарқ қилиб, унга тегишли бўлган элементларни ўз ичига камраб олади.

Конвенциянинг 22-моддасида хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилган. Мазкур моддага мувофиқ, хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши, деганда иқтисодий, молиявий ва ёки тижорат фаолияти давомида хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахс томонидан хизмат лавозимига кўра ушбу шахснинг қарамоғида бўлган бирор-бир мол-мулк, хусусий маблағларни ёхуд қимматли қоғозлар ёки исталган бошқа қимматли предметнинг қасддан ўғирланиши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилиши тушунилади<sup>55</sup>.

Мазкур жиноят Конвенциянинг 17-моддаси билан белгиланган жиноятга таркибий жиҳатдан жуда ҳам ўхшаш бўлиб, хусусий секторда содир этилиши ҳамда хусусий сектор субъектлари томонидан содир этилиши жиҳатидан фарқланади.

Конвенциянинг 23-моддаси жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятини криминализация қилишни назарда тутди. Конвенцияда ушбу жиноятнинг таркибига нисбатан кенг ёндашувни кўришимиз мумкин. Зеро, мазкур норма мазмунига кўра, куйидаги қилмишлар жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш, дея баҳоланади:

- агар мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ва уни жиноий манбасини яшириш ва сир тутиш мақсадида ёки асосий ҳуқуқбузарликни содир этишда иштирок этадиган исталган бошқа шахсга, у ўзининг жиноий ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан бўйин

---

<sup>55</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

товлашига ёрдам бериш мақсадида мол-мулкни конверсиялаш (ўзгартириш) ёки ўтказиш;

- агар мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса мол-мулкнинг ҳақиқий тавсифини, манбасини, тасарруф этиш усулини ёки унинг кимга тегишли эканини, жойини ўзгартиришни, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни яшириш ва сир тутиш;

- агар мол-мулкни олаётганда ушбу мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ушбу мол-мулкни сотиб олиш, унга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш;

- мазкур моддага мувофиқ жиноят деб тан олинган исталган ҳаракатларнинг бирида иштирок этиш, дахлдор бўлиш ёки ушбу жиноятни содир этиш мақсадида тил бириктириш, уни содир этишга уриниш, шунингдек уни содир этилишида шериклик қилиш, фитна уюштириш ва кўмак бериш<sup>56</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятини криминализация қилишни назарда тутувчи 23-модда бажарилиши мажбурий бўлган норма саналади.

Шунингдек, Конвенциянинг 24-моддаси шахс коррупциявий жиноят сифатида юқорида кўрсатилган жиноятларнинг содир этилишида бевосита иштирок этмаган бўлса-да, бошқа бир шахснинг коррупциявий жиноят деб топилган исталган жиноий ҳаракат содир этиши натижасида ортирилган мол-мулкни яшириши ёки доимий равишда ушлаб туриши учун жиноий жавобгарлик белгилашни назарда тутуди.

Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш деб номланган 25-моддага мувофиқ, мазкур Конвенция билан жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати билан амалга оширилаётган жараён давомида сохта маълумотлар беришга мажбур қилиш

---

<sup>56</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

ёки маълумотларни бериш ёхуд маълумотларни тақдим этиш жараёнига аралаштиш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки кўрқитиш ёхуд ваъда бериш ёки ноқонуний афзалликни тақлиф қилиш ёхуд тақдим этиш, шунингдек, суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахси томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажаришига аралаштиш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки кўрқитиш коррупциявий жиноят деб топилади.

Мазкур модда мазмунидан келиб чиққан ҳолда, одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилишга оид жиноятлар ҳам криминализация қилиниши мажбурий бўлган жиноятлар доирасига киритилганлигини тушунишимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, коррупциявий қилмишларни криминализация қилишга оид халқаро стандартлар миллий қонунчилигимиздаги шу турдаги нормаларга нисбатан кенгроқ доирада белгиланган бўлиб, келгусида мазкур стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласини кўриб чиқиш лозим бўлади.

## **2.2. Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида коррупцияга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарлик масалалари**

Коррупциявий жиноятлар ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммоларга бугунги кунда дунёнинг қарийб ҳар бир давлатида дуч келишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда, турли давлатларда инсонлар менталитети ҳамда коррупциялашганлик даражасининг турличалиги коррупциявий қилмишларни криминализация қилишга нисбатан ҳам бир-бирдан фарқ қилувчи ёндашувларни келтириб чиқарган.

Коррупциявий қилмишларни криминализация қилишга оид хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш соҳага оид самарали механизмларни аниқлашга ҳамда уларни миллий қонунчиликка жорий этишга нисбатан ўз ижобий натижасини бермай қолмайди. Шу сабабли, қуйида бир қатор хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги мисолида коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қиламиз.

Коррупциявий жиноятларнинг энг кўп тарқалган тури порахўрлик жиноятлари ҳисобланади. Қарийб барча мамлакатларда коррупциявий жиноятларнинг мазкур тури учун жавобгарлик назарда тутилганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, аксарият давлатлар жиноят қонунчилиги порахўрликнинг актив ва пассив шаклларини ажратадилар. Жумладан, Белгия Жиноят кодексининг 246-моддасига мувофиқ, жамоат вазифаларини амалга оширувчи шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун бирор-бир таклиф, ваъда ёки ҳар қандай хусусиятдаги нафни, бевосита ёки учинчи шахслар орқали, қабул қилиши, сўраши ёки тасдиқлаши пассив порахўрлик деб топилади<sup>57</sup>.

Мазкур модданинг 2-қисмига кўра, Кодекс 247-моддасида назарда тутилган хатти-ҳаракатлардан бирортасини қабул қилиши учун жамоат

---

<sup>57</sup> Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium\\_CC\\_1867\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf)

вазифаларини бажарувчи шахсга, мазкур шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқали ҳар қандай хусусиятдаги афзалликни таклиф қилиш, ваъда қилиш ёки тақдим қилишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатлар актив порахўрлик деб топилади.

Демак, Белгия жиноят қонунчилигига кўра нафақат пора олиш ва бериш, балки порани ваъда қилиш, сўраш, таклиф қилиш ёки шундай таклифни қабул қилиш ҳам жазога сазовор қилмиш ҳисобланади.

Испания Жиноят кодекси эса, порахўрлик жиноятини пора эвазига амалга оширилган хатти-ҳаракатларнинг қонуний ёки ноқонунийлигига кўра икки турга ажратади. Кодекснинг 419-моддасига кўра, мансабдор шахс ёки давлат хизматчисининг ўз хизмат мажбуриятларини бузиш ёки бажармаслиги эвазига ўзи ёки учинчи шахслар фойдасини кўзлаб, совға, мукофот ёки ҳар қандай кўринишдаги тақдирлашни қабул қилиши, сўраши ёки қабул қилишга розилик билдириши учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, Кодекснинг 420-моддаси шундай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликларни ўз мажбуриятларини бузмаган ҳолда содир этиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутди<sup>58</sup>.

Ирландиянинг 2018 йилдаги “Жиноий одил судлов (коррупциявий ҳуқуқбузарликлар) тўғрисида”ги Актига мувофиқ, актив порахўрлик порани тақдим этиш, таклиф қилиш ёки тақдим этишга розилик билдириш каби ҳаракатларни қамра олса, пассив порахўрлик деганда порани қабул қилиш, сўраш ёки қабул қилишга розилик билдириш тушунилади. Мазкур ҳужжат порани нафақат шахснинг ўзи, балки учунчи шахслар фойдасини кўзлаб олиш ёки бериш учун ҳам жиноий жавобгарликни белгилайди<sup>59</sup>.

Пора эвазига амалга оширилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қонунийлиги ёки қонунга зидлигига кўра ажратилишини бошқа давлатлар жиноят қонунчилигида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Литва Жиноят

---

<sup>58</sup> Criminal Code of the Kingdom of Spain (1995, as of 2013) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain\\_CC\\_am2013\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf)

<sup>59</sup> Criminal Justice (Corruption Offences) Act 2018 (enacted on 5th June 2018) // [Electronic resource] URL: <http://www.irishstatutebook.ie/eli/2018/act/9/enacted/en/html>

кодексининг 225-моддасида қонунга зид ҳаракатларни бажариш орқали пора олиш кўринишидаги жиноят учун оғирроқ жавобгарликни назарда тутди.

Шунингдек, Литва жиноят қонунчилиги поранинг миқдори кўп миқдорни ташкил қилганлиги ҳолатлари учун оғирлаштирувчи қисмлар билан жавобгарликка тортиш тўғрисидаги нормаларни белгилайди<sup>60</sup>.

АҚШ кодексларининг “Жиноятлар ва жиноий иш юритиш” дея номланган 18-боби 201-моддаси мансабдор шахслар ёки гувоҳларнинг порахўрлиги учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Унга биноан, пора олиш ва беришдан ташқари, пора таклиф қилиш, ваъда қилиш, пора сўраш ва порани олишга розилик билдириш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади<sup>61</sup>.

Чили қонунчилиги порахўрлик жиноятлари учун пора предметдан келиб чиққан ҳолда алоҳида жавобгарлик чораларани белгилайди. Жумладан, Чили Жиноят кодексининг 248-моддаси номоддий кўринишдаги пора олганликни моддий қимматликка эга бўлган пора олиш жиноятидан ажратади<sup>62</sup>.

Гонконг жиноят қонунчилиги порахўрлик жиноятларини пора эвазига амалга ошириладиган ҳаракатларнинг рўйхатини белгилаш орқали чегаралаб қўйган. Зеро, 1971 йилдаги Порахўрликнинг олдини олиш тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ҳар қандай шахс томонидан, хоҳ Гонконгда, хоҳ бошқа жойда бўлмасин, қонуний ваколат ёки асосга эга бўлмагани ҳолда давлат хизматчисига унинг:

- давлат хизматчиси сифатидаги ҳар қандай ҳаракатни бажариш ёки уни бажаришдан воз кечганлиги;

---

<sup>60</sup> Criminal Code of Lithuania (2000, amended 2017) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania\\_CC\\_2000\\_am2017\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania_CC_2000_am2017_en.pdf)

<sup>61</sup> Title 18 of the United States Code – Crimes And Criminal Procedure // [Electronic resource] URL: <https://uscode.house.gov/browse/prelim@title18&edition=prelim>

<sup>62</sup> Código Penal de Chile // [Electronic resource] URL: <https://www.leychile.cl/Navegar?idNorma=1984>

- шу ёки бошқа давлат хизматчисининг ҳар қандай бошқа давлат хизматчиси томонидан давлат хизматчиси сифатида амалга оширилаётган ҳаракатни тезлаштириши, кечиктирганлиги, тақиқлаганлиги ёки олдини олганлиги;

- ҳар қандай шахсга давлат идораси билан ҳар қандай бизнесни амалга оширишда ёрдам бериш, уни қўллаб-қувватлаш, тўсқинлик қилиш ёки кечиктириши кабиларни амалга оширганлиги учун ҳар қандай манфаатни тақдим этиши унинг жавобгарликка тортилишига асос бўлади<sup>63</sup>.

Мазкур модданинг 2-қисми давлат хизматчиси томонидан юқорида санаб ўтилган ҳаракатларни амалга оширганлик эвазига манфаатдор бўлиш учун жавобгарликни назарда тутди.

Шунингдек, мазкур Қонун Бош ижочига (давлат раҳбари) пора бериш ва унинг пора олиши жиноятларини бошқа мансабдор шахсларнинг порахўрлиги жиноятларидан ажратади.

Жанубий Корея Жиноят кодексининг 129-моддаси пора олишдан ташқари, пора сўраш ва пора олишга ваъда бериш учун ҳам жавобгарликни белгилайди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур давлат жиноят қонунчилиги нафақат пора бериш ёки пора беришни ваъда қилишни, балки шахснинг пора бериш ҳақида ўз хоҳишини намоён қилганлиги ҳолатини ҳам жазога сазовор қилмиш сифатида баҳолайди (ЖК 133-модда)<sup>64</sup>.

Голландия, Швеция, Туркия ва Озарбайжон каби давлатларда пора олиш-беришда воситачилик қилиш алоҳида жиноят таркиби ҳисобланмасдан, бундай ҳаракатлар пора олганлик ёки пора берганлик тўғрисидаги моддалар бўйича жиноятда иштирокчилик сифатида квалификация қилинади.

Шунингдек, Голландия жиноят қонунчилиги судьялар томонидан пора олиш жиноятини мансабдор шахсларнинг пора олишига оид умумий

---

<sup>63</sup> Cap. 201 Prevention of Bribery Ordinance // [Electronic resource] URL: <https://oelawhk.lib.hku.hk/items/show/2838>

<sup>64</sup> Republic of Korea: Criminal Code [Republic of Korea], 3 October 1953 // [Electronic resource] URL: <https://www.refworld.org/docid/3f49e3ed4.html> [accessed 7 May 2020]



тартибдаги жиноятдан ажратган ҳолда алоҳида жиноят таркиби сифатида белгилаб, мазкур жиноят учун оғирроқ жавобгарликни назарда тутати (ЖК 364-моддаси)<sup>65</sup>.

Сингапурнинг Коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги Қонунида Парламент аъзоларининг пора олиши ва уларга пора берганлик жинояти давлат хизматчисининг порахўрлиги жиноятдан ажратилган<sup>66</sup>. Шунингдек, Гонконг қонунчилигида бўлгани сингари, Сингапур қонунчилигида ҳам порахўрлик жиноятлари пора эвазига амалга ошириладиган ҳаракатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш орқали чегаралаб кўйилган. Худди шундай нормани Малайзиянинг 2009 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш комиссияси тўғрисидаги Қонунида ҳам кўришимиз мумкин<sup>67</sup>.

Бундан ташқари, мазкур Қонун пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, қабул қилиш ёки қабул қилишга ваъда бериш, шунингдек, пора беришни ваъда қилиш ёки пора таклиф қилганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган.

Аксарият давлатлар, шу жумладан, Малайзия, Ҳиндистон, Сингапур, Белгия, Ирландия, Руминия, Хитой, Чили, Украина, Озарбайжон ва Грузия жиноят қонунчилиги поранинг учинчи шахслар фойдасини кўзлаб берилиши ёки олиниши ҳолатини ҳам жиноий қилмиш сифатида баҳолайди.

Айрим давлатлар, шу жумладан Озарбайжон ва Арманистон жиноят қонунчилигидаги пора олиш учун жавобгарлик белгилан моддаларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг диспозициялари билан пора олишдан ташқари хизмат бўйича ҳомийлик қилиш ёки енгиллик яратиш каби ҳаракатлар ҳам қамраб олинганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

---

<sup>65</sup> Criminal Code of the Kingdom of Netherlands (1881, amended 2012) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/6415/file/Netherlands\\_CC\\_am2012\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6415/file/Netherlands_CC_am2012_en.pdf)

<sup>66</sup> Prevention of Corruption Act (Chapter 241) (Original Enactment: Ordinance 39 of 1960) Revised edition 1993 // [Electronic resource] URL: <https://sso.agc.gov.sg/Act/PCA1960>

<sup>67</sup> Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 (As at 1 June 2015) // [Electronic resource] URL: [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20\(15\\_5\\_2015\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20(15_5_2015).pdf)

Кўплаб давлатлар жиноят қонунчилигида пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, таклиф қилиш, таклифни қабул қилиш, пора бериш ҳақида ваъда бериш бериш ва бундай ваъдани қабул қилганлик каби ҳаракатлар ҳам жазога сазовор қилмиш сифатида ўз аксини топган. Зеро, бу каби нормаларни Белгия, Ирландия, Руминия, Малайзия, Ҳиндистон, Сингапур, Хитой, Гонконг, Чили, Арманистон, Украина, Озарбайжон ва Грузия қонунчилигида кўришимиз мумкин.

Шунингдек, айрим хорижий мамлакатларда коррупциявий қилмишларнинг кам аҳамиятли кўринишлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Қозоғистон қонунчилигига мувофиқ, мансабдор шахснинг ўз ваколатларига кирувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни содир этганлиги учун олдиндан келишув бўлмаган ҳолда совға тариқасида икки ойлик ҳисоблаш кўрсаткичларидан ошмайдиган миқдордаги мулк, мулкӣ ҳуқуқлар ёки бошқача мулкӣ манфаатдорликни қабул қилиши ёхуд унга юқоридагича манфаатдорликни тақдим этиш жиноят ҳисобланмайди ва маъмурий ёки интизомий тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади<sup>68</sup>.

Ноқонуний равишда бойлик ортириш учун жиноий жавобгарликни белгилашга оид тажрибани бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида кўришимиз мумкин. Жумладан, бу каби қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар кўплаб Лотин Америкаси давлатлари қонунчилигида акс этган. Зеро, Аргентина Жиноят кодексининг 286-моддасига мувофиқ, ҳар қандай шахс ундан талаб қилинганда ўзи ёки учинчи шахс учун бирор-бир бойликнинг келиб чиқишини уни яширишни кўзлаб исботлаб бера олмаса ҳамда мазкур бойлик миқдори ўз хизмат ваколатини тугутганидан 2 йилдан ошмайдиган муддатдаги иш ҳақи ва бошқа даромадидан кўп бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади. Бунда

---

<sup>68</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан (Принят 3 июля 2014 года) // [Электронный ресурс] URL: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575252#pos=5;-106](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252#pos=5;-106) (дата обращения: 07.05.2020).

нафақат шахсинг пуллари, буюмлари ёки товарлари, балки сўндирилган қарздорлиги ва бажарилган бошқа мажбуриятлари ҳам инобатга олинади<sup>69</sup>.

Колумбия Жиноят кодекси 412-моддаси “Ноқонуний бойиш” дея номланиб, унга кўра давлат хизматида бўлганида ёки давлат вазифаларини бажарган ва шу вақт ичида ёки ундан кейинги икки йил давомида ўзлари учун ёки бошқа биров томонидан бойликнинг асоссиз равишда кўпайишига эришган ҳар қандай давлат хизматчиси, агар бундай хатти-харакатлари бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилмаса, ноқонуний бойиш учун жавобгарликка тортилади<sup>70</sup>.

Чили жиноят қонунчилиги эса, мансабдор шахсинг ўз лавозимини бажараётганда мол-мулкининг номувофиқ ва асоссиз равишда кўпайиши учун жавобгарликни белгилайди<sup>71</sup>.

Хитой қонунчилигига кўра, мол-мулк ёки харажати унинг қонуний даромадидан ошиб кетган ҳар қандай давлат амалдорига, фарқ жуда катта бўлган тақдирда, ўз мулкининг манбаларини тушунтириш мажбурияти юкланади, Агар у манбалар қонуний эканлигини исботлай олмаса, унинг қонуний даромадидан ошадиган қисми ноқонуний бойлик деб ҳисобланади. Ҳар қандай давлат амалдори Хитой ташқарисидаги банкда сақланувчи ўз маблағлари ҳақида тегишли тартибда Давлатга хабар қилиши шарт<sup>72</sup>.

Гонконгнинг 1971 йилдаги Порахўрликнинг олдини олиш тўғрисидаги Қонунига мувофиқ, ўзининг айна вақтдаги ёки илгари эгаллаб турган лавозимига нисбатан номутаносиб ва юқори турмуш тарзига эга бўлган ёки шундай мол-мулкка эгалик қилаётган ҳар қандай раҳбар ёки хизматчи, агарда юқоридагича ҳолат юзасидан судга етарлича тушунтириш бера олмаса, жиноят содир этган деб топилади<sup>73</sup>.

---

<sup>69</sup> Código Penal de la Nación Argentina - Ley 11.179 (T.O. 1984 actualizado) // [Electronic resource] URL: <http://servicios.infoleg.gob.ar/infolegInternet/anexos/15000-19999/16546/texact.htm>

<sup>70</sup> Código Penal de la Nación Argentina - Ley 11.179 (T.O. 1984 actualizado) // [Electronic resource] URL: <http://servicios.infoleg.gob.ar/infolegInternet/anexos/15000-19999/16546/texact.htm>

<sup>71</sup> Código Penal Colombiano - Ley 599 de 2000 // [Electronic resource] URL: [https://leyes.co/codigo\\_penal.htm](https://leyes.co/codigo_penal.htm)

<sup>72</sup> Criminal Law of the People's Republic of China (July 1, 1979) // [Electronic resource] URL: <https://www.fmprc.gov.cn/ce/cgvienna/eng/dbtyw/jdwt/crimelaw/t209043.htm>

<sup>73</sup> Cap. 201 Prevention of Bribery Ordinance // [Electronic resource] URL: <https://oelawhk.lib.hku.hk/items/show/2838>

Ҳиндистон жиноят қонунчилигига биноан, давлат хизматчиси ёки унинг номидан бошқа бир шахс давлат лавозимини эгаллаб турган вақтида ўз даромадидан ортиқча бўлган мол-мулкка эгалик қилгани ҳолда мазкур мулкнинг қонуний манбасини исботлаб бера олмаса, жавобгар деб топилади<sup>74</sup>.

Ушбу нормага кўра, шахснинг жавобгарликка тортилиш доираси унинг маълум бир лавозимни эгаллаб турган давр билан чегаралаб кўйилганлигини кўришимиз мумкин.

Малайзиянинг 1997 йилдаги Коррупцияга қарши Қонуни 32-моддасида белгиланишича, прокурор ҳар қандай давлат хизматчиси ўзининг амалдаги ва илгариги эгаллаб турган лавозимига кўра эга бўлиши мумкин бўлган даражадан ортиқча бўлган ҳар қандай мулкка эгалик қилаётганлиги ёки шундай мулкни бошқараётганлиги ҳақида асосли гумонга эга бўлса, ўз ёзма кўрсатмаси орқали ушбу мулкнинг манбасини кўрсатишни талаб қилиши мумкин ва давлат хизматчиси бундай манбани қониқарли равишда исботлаб бера олмаган тақдирда жиноят содир этишда айбдор деб топилади<sup>75</sup>.

Литва Жиноят кодекси 189<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг 500 бараваридан ошадиган мол-мулкка мазкур мулкнинг қонуний манбадан олиниши мумкин эмаслигини билган ёки билиши мумкин бўлгани ҳолда мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилаётган шахс ноқонуний бойиш учун жиноий жавобгарликка тортилади<sup>76</sup>.

Ушбу мамлакат қонунчилигида ноқонуний бойиш жиноятига оид рағбатлантирувчи норма ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, юқоридагича мол-мулкни учинчи шахсдан қабул қилиб олган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушбу мол-мулкнинг қонунийлиги юзасидан

---

<sup>74</sup> Prevention of Corruption Act, 1988 // [Electronic resource] URL: <http://legislative.gov.in/sites/default/files/A1988-49.pdf>

<sup>75</sup> Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 (As at 1 June 2015) // [Electronic resource] URL: [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20\(15\\_5\\_2015\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20(15_5_2015).pdf)

<sup>76</sup> Criminal Code of Lithuania (2000, amended 2017) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania\\_CC\\_2000\\_am2017\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania_CC_2000_am2017_en.pdf)

текширув бошланганига қадар унинг шубхали манбадан олинганлиги ҳақида ўз ихтиёри билан мурожаат қилган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Эътиборга молик томони шундаки, Литва қонунчилиги нафақат мансабдор шахсларнинг ноқонуний бойлик ортириши, балки ҳар қандай шахснинг ноқонуний бойиши ҳолатини жиноят сифатида эътироф этади.

Арманистон жиноят қонунчилигида ҳам ноқонуний бойиш жиноят сифатида эътироф этилган бўлиб, Арманистон Жиноят кодексининг 310.1-моддасига кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда декларация тақдим қилиши лозим бўлган мансабдор шахснинг мол-мулки ҳисобот даври давомидаги қонуний даромадларига қараганда сезиларли миқдорда кўпайиши ва (ёки) мажбуриятлари камайиши ҳолати мазкур мансабдор шахс томонидан мантиқий жиҳатдан асослаб берилмаган, шунингдек, унинг ҳаракатларида бошқа бир жиноят белгилари мавжуд бўлмаган тақдирда ноқонуний бойиш деб топилади ва жиноий жавобгарликка асос бўлади<sup>77</sup>.

Бунда, ушбу давлат қонунчилиги “сезиларли миқдор” сифатида жиноят содир этилган вақтдаги энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ортиқ бўлган миқдорни назарда тутди.

Украина жиноят қонунчилигига мувофиқ, давлат ёки маҳаллий бошқарув функцияларини амалга оширувчи шахс томонидан ўзининг қонуний даромадига нисбатан олти минг рублдан кўпроқ бўлган активларни эгаллаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>78</sup>.

Активларни эгаллаш деганда, уларнинг давлат ёки маҳаллий бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахс томонидан, шунингдек, шундай ваколатли шахснинг номидан ёхуд унинг топшириғига кўра бошқа жисмоний ёки юридик шахс томонидан мулк сифатида қўлга

---

<sup>77</sup> Уголовный кодекс Республики Армения (Принят 18 апреля 2003 года) // [Электронный ресурс] URL: <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=63312> (дата обращения: 07.05.2020).

<sup>78</sup> Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (Принят 18 апреля 2003 года) // [Электронный ресурс] URL: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30418109](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109) (дата обращения: 07.05.2020).

киритилиши ҳамда бундай активлар бўйича уларни тасарруф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

Украина қонунчилиги юқорида кўрсатилган активлар сифатида пуллар ва бошқа бойликлар, мулкӣ ҳуқуқлар, номоддий активлар, шу жумладан криптовалюталар, шунингдек, молиявий мажбуриятларнинг қисқариши ҳамда юқорида кўрсатилган ваколатли шахсга нисбатан амалга бажарилган ишлар ва хизматларни белгилайди.

Мавқени суиистеъмол қилиш жинояти айрим давлатларда алоҳида мустақил жиноят таркиби сифатида белгиланган бўлса, айрим давлатлар, шу жумладан, Ҳиндистон қонунчилиги мазкур турдаги қилмишларни порахўрлик жиноятининг таркибига киритади.

Белгия Жиноят кодекси 247-моддасида мавқени суиистеъмол қилиш жинояти мустақил жиноят таркиби сифатида белгиланган бўлиб, унга давлат функцияларини бажарувчи шахснинг хизмат жиҳатидан ўзига тегишли бўлган реал ёки тахмин қилинаётган мавқеидан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти вакилига бирор-бир ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан тийилиши мақсадида таъсир кўрсатиш сифатида баҳо берилган<sup>79</sup>.

Мазкур норма орқали мавқени суиистеъмол қилиш учун жавобгарликни белгилашда кенг ёндашувни кўришимиз мумкин. Зеро, Белгия қонунчилиги мансабдор шахсларнинг ваколатларига қирадиган масалаларни бажарганлик учун ҳам, бундай ваколатларга эга бўлмай туриб ҳаракат қилганлик учун ҳам жавобгарликни назарда тутаяди.

Малайзия ва Белгия қонунчилиги фақатгина мансабдор шахс томонидан содир этиладиган мавқени суиистеъмол қилиш учун жавобгарликни белгилаган бўлса, Италия, Гонконг, Руминия, Сингапур каби бир қатор давлатлар қонунчилиги тегишлича мавқега эга бўлган ёки бундай мавқега эгаллиги тахмин қилинган ҳар қандай шахс мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкинлигини белгилайди.

---

<sup>79</sup> Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium\\_CC\\_1867\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf)

Шунингдек, ушбу жиноятни криминализация қилган қарийб барча давлатлар жиноят қонунчилигига кўра, афзалликни тақдим этувчи томонидан бирор-бир шахсни тегишлича мавқега эгалигини тахмин қилган ҳолда унга юқоридагича таклифлар билан чиқилиши, мазкур шахснинг бундай мавқега эгалиги ёки эга эмаслигидан қатъи назар жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Люксембург жиноят қонунчилиги эса, мавқени суиистеъмол қилиш жиноятини ваколатни суиистеъмол қилиш жинояти билан уйғунлаштиради. Зеро, Люксембург Жиноят кодексининг 288-моддасига мувофиқ, мавқени суиистеъмол қилиш – бу мансабдор шахснинг ҳокимият вакиллари томонидан фойдали қарор чиқарилишига эришиш мақсадида ўз ваколатларидан уларни суиистеъмол қилган ҳолда фойдаланишидир<sup>80</sup>.

Франция жиноят қонунчилигида ҳам мазкур жиноят учун жавобгарликни белгилашда кенг жиҳатдан ёндашилган бўлиб, мазкур давлат Жиноят кодексининг 433-2-моддаси мавқени суиистеъмол қилиш жиноятининг актив ва пассив шакллари қамраб олган<sup>81</sup>.

Мавқени суиистеъмол қилишнинг пассив кўриниши сифатида ҳар қандай шахс томонидан ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган мавқеидан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти ёхуд бошқаруви органидан тақдирланиши, лавозим берилиши, келишувга ёки бошқа ҳар қандай фойдали қарорнинг қабул қилинишига эришилиши эвазига бевосита ёки билвосита совға ёхуд ҳар қандай афзалликларни қабул қилиш ёки сўраш тушунилса, жиноятнинг актив шакли юқоридаги ҳаракатларни содир этганлик учун афзалликлар таклиф қилишдан иборат саналади.

Литва Жиноят кодекси 226-моддасида ҳам мазкур турдаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра суиистеъмол

---

<sup>80</sup> Criminal Code of the Grand-Duchy of Luxembourg (1879, amended 2018) (French version) // [Electronic resource] URL:

[https://www.legislationline.org/download/id/8273/file/Luxembourg\\_Criminal\\_Code\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8273/file/Luxembourg_Criminal_Code_am2018_fr.pdf)

<sup>81</sup> Criminal Code of the French Republic (as of January 2020) (French version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8546/file/France\\_CC\\_am012020\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8546/file/France_CC_am012020_fr.pdf)

килиниши учун жавобгарлик юзага келадиган мавқе сифатида шахснинг ижтимоий статуси, қариндошлик алоқалари, хизмат билан боғлиқ мавқеи, шунингдек давлат ёки маҳаллий бошқарув органлари ёхуд халқаро ташкилотлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай алоқалари инобатга олинади<sup>82</sup>.

Руминия, Сингапур, Украина, Грузия ва Арманистон каби давлатлар қонунчилиги мавқени суиистеъмол қилиш эвазига ҳар қандай афзалликларни олиш ва беришдан ташқари, шу каби афзалликни сўраш, ваъда қилиш, таклиф этиш, таклифни ёки ваъдани қабул қилиш учун ҳам жавобгарликни назарда тутлади.

Малайзиянинг мазкур масаладаги тажрибасига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, ушбу давлат қонунчилигида мавқени суиистеъмол қилишдан манфаатдор бўлган шахслар доираси тор доирада, яъни мавқени суиистеъмол қилган шахснинг ўзи, унинг қариндошлари ҳамда танишлари билан чегаралаб қўйилган.

Украина ва Озарбайжон каби давлатлар қонунчилигига биноан, мазкур жиноят давлат функциясини амалга оширувчи органга ёки шундай органнинг мансабдор шахсига таъсир ўтказиш орқали фойдали қарорга эришишни мақсад қилса, Арманистон Жиноят кодексининг 311.2-моддасига мувофиқ, мавқени суиистеъмол қилиш нафақат маълум бир қарорга эришиш, балки хизмат бўйича ҳомийлик қилиш ёки енгиллик яратиш мақсадида содир этилганда ҳам жиноят сифатида эътироф этилади.

Грузия жиноят қонунчилиги мавқени суиистеъмол қилишга қаратилган ҳаракатлар содир этилганда мазкур ҳаракатлар натижасида таъсир кўрсатишга эришилган-эришилмаганлиги ёки кўрсатилган таъсирнинг кўзланган натижага олиб келган-келмаганлигидан қатъи назар бундай қилмишни тугалланган жиноят сифатида баҳолайди<sup>83</sup>.

---

<sup>82</sup> Criminal Code of Lithuania (2000, amended 2017) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania\\_CC\\_2000\\_am2017\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania_CC_2000_am2017_en.pdf)

<sup>83</sup> Уголовный кодекс Грузии (Дата принятия: 22.07.1999) // [Электронный ресурс] URL: <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf> (дата обращения: 07.05.2020).



Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, хорижий мамлакатларнинг коррупциявий қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгилашга оид қонунчилигини ўрганиш орқали истиқболда миллий қонунчиликдаги мавжуд нормаларни кўриб чиқиш, шунингдек, янги жиноят таркибларини қонунчиликка имплементация қилиш лозим. Зеро, бу орқали коррупцияга қарши курашишга қаратилган ҳаракатларнинг самарадорлигини оширишга эришиш мумкин бўлади.

### **III БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **3.1. Коррупцияга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарликка оид амалдаги қонунчилик муаммолари ва уларни такомиллаштириш масалалари**

Замонавий тенденциялар жамият вакиллари ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Бунинг натижасида эса, вақт ўтгани сайин жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлиши, содир этилиш усуллари ўзгариши табиий ҳол саналади. Мазкур ҳолатни инобатга олган ҳолда, ҳар бир давлат жиноят қонунчилигини такомиллаштириб, замон талабларига мослаштириб бориши лозим бўлади. Фикримиз исботи сифатида, амалдаги Жиноят кодексига мазкур Кодекс қабул қилинганидан буён то ҳозирги кунга қадар саксон маротабадан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини келтиришимиз мумкин.

Сўнги йилларда юртимизда коррупцияга қарши курашишга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш янада жадал тус олди. Жумладан, 2017 йилнинг 3 январида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонун қабул қилинди<sup>84</sup>. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши билан “коррупция” тушунчасига расмий таъриф берилди. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, “коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”дир<sup>85</sup>.

---

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

Мазкур таъриф халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, “коррупция” атамасининг мазмунини очиб берувчи энг муҳим элементларни тўлиқ қамраб олган. Бироқ, амалдаги жиноят қонунчилигимизда мавжуд бўлган коррупциявий жиноятларга оид моддаларнинг диспозициялари ушбу таъриф ва умуман олганда, давлатнинг бугунги кундаги коррупцияга қарши курашишга оид сиёсати талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Жумладан, амалдаги Жиноят кодексининг 210-моддасида “мансабдор шахсининг ... моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши” учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бунда, мансабдор шахсининг фақат ўзи учунгина моддий манфаат олиши 210-модда диспозицияси билан қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, коррупция тушунчасига нисбатан юқорида келтирилган таърифда муайян ҳаракатларни “шахсий манфаатлар” билан бир қаторда “ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб” бажариш ҳам назарда тутилган.

Эътибор қаратиш лозимки, “унинг фойдасини кўзлаб пора олинаётган шахслар” деганда нафақат жисмоний, балки юридик шахс ҳам тушунилмоғи лозим.

Шу каби, Жиноят кодексининг 211-моддаси мазмунига мувофиқ, шахсининг мансабдор шахсга муайян ҳаракатни мазкур пора берувчи шахсининг ўз манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига моддий қимматликлар бериши ёки уни мулкӣ манфаатдор этиши пора бериш деб топилади<sup>86</sup>. Бунда, қонун чиқарувчи порахўрлик жиноятларининг нафақат пора бераётган шахс, балки ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши мумкинлигини ҳам эътиборга олмаган.

Бундай муаммоларни ЖКнинг порахўрлик жиноятларини назарда тутувчи 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup> ҳамда 213-214-моддаларида ҳам кўришимиз мумкин. Шу сабабли, Жиноят кодексининг мазкур моддаларига учинчи шахслар, яъни

---

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>

Ўзга жисмоний ёки юридик шахсларнинг манфаатини кўзлаб пора олиш ёхуд пора беришни ҳам назарда тутувчи қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

Шунингдек, “мансабдор шахс” тушунчасига нисбатан берилган расмий таърифда халқаро ташкилотлар ва чет давлат мансабдор шахслари ҳам назарда тutilган бўлса-да, Жиноят кодексининг 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup> ҳамда 210-214-моддалари фақатгина миллий мансабдор шахсларнинг жиноий қилмишлари учун жавобгарликни белгилайди.

Шу сабабли, соҳага оид халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда Жиноят кодексининг юқорида қайд этилган моддаларига чет эл нодавлат ташкилоти, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилотлар мансабдор шахслари ва хизматчиларининг пора олиши ёки бундай тоифадаги шахсларга нисбатан пора бериш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

Коррупция ташунчасига нисбатан берилган расмий таърифда коррупциявий жиноятлар моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида содир этилиши кўрсатилган. Бироқ, амалдаги жиноят қонунчилиги пора предметини “моддий қимматликлар” ва “мулкый манфаат” билангина чеклаб қўяди. Шу билан биргаликда, Олий суд Пленуми ҳам пора предмети фақатгина мулкый моҳиятга эга бўлган қимматликлар ва хизматлар бўлиши мумкинлигини ҳақида тушунтириш беради. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ, “пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкый моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин”.

Бундай нормаларнинг мавжудлиги коррупциявий аҳамиятга эга бўлган бир қатор қилмишларнинг жиноят деб эътироф этилиши ва жазо муқаррарлигини таъминлашга тўсқинлик қилади.

Мазкур масалага оид халқаро стандартлар ҳамда хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, номоддий қимматликлар ва номулкий манфаатдорликни коррупциявий жиноятларнинг предмети ва муҳим элементи сифатида эътироф этиш кенг тус олганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бунда, номоддий қимматликлар ва номулкий манфаатдорлик деганда, пул билан ўлчанмайдиган манфаатдорлик ва хизматлар тушунилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, коррупциявий жиноятларга оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ўтказилган сўровномадаги “Пул билан ўлчанмайдиган манфаатдорлик (масалан, лавозимни ошириш, жинсий хизматлар кўрсатиш каби) пора предмети сифатида баҳоланиши лозимми?” деган саволга 1214 нафар респондентларнинг 91,1 фоизи “ҳа”, деб жавоб берган<sup>87</sup>.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, ЖКнинг 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup>, 210-211, 213-214-моддалари диспозициясига тегишлича ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш орқали номоддий қимматликлар ва номулкий манфаатдорликни мазкур жиноятларнинг предмети сифатида эътироф этиш зарур.

Шунингдек, амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ, пора олиш ва бериш жиноят саналгани ҳолда, пора сўраш, пора таклиф қилиш, пора бериш ҳақидаги таклифни қабул қилиш ёки пора бериш ҳақида ваъда бериш каби ҳаракатлар тегишли моддалар диспозициялари билан қамраб олинмаган. Мазкур ҳолат бу каби ҳаракатларнинг тугалланмаган жиноят сифатида квалификация қилиниши ёки умуман жиноят деб топилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Ваҳоланки, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари, жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, пора таклиф қилиш, пора бериш ҳақидаги таклифни қабул қилиш ёки пора бериш ҳақида ваъда

---

<sup>87</sup> Қаранг: мазкур диссертация ишига 3-илова (сўровнома натижалари).

беришни ҳам тугалланган жиноят сифатида эътироф этиш лозимлигини белгилаб берган.

Бундан ташқари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси учун тавсияларида ҳам пора сўраш, пора таклиф қилиш, порани олиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш ёки пора бериш ҳақида ваъда бериш каби ҳаракатлар ҳам ЖКнинг 210-211-моддалар диспозицияси билан қамраб олиниб, тамом бўлган мустақил жиноят сифатида эътироф этилиши ҳамда улар учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлиги тавсия этилган<sup>88</sup>.

Мазкур масалада ўтказилган сўровномада иштирок этган 1135 нафар респондентларнинг 96,7 фоизи юқорида санаб ўтилган қилмишлар учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланишини қўллаб овоз беришганлиги кўришимиз мумкин<sup>89</sup>.

Фикримизча, халқаро стандартларга асосланган ҳолда пора таклиф қилиш, пора беришни ваъда қилиш, пора сўраш ва пора ҳақидаги таклифни қабул қилиш каби ҳаракатларни тугалланган жиноят сифатида эътироф этиш лозим. Сабаби, бу каби қилмишлар ўз тавсифига кўра тугалланган пора олиш ва бериш жиноятлар каби ижтимоий хавfli саналади.

Жиноят кодексининг 210-211-моддалари ЖКнинг 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup> ҳамда 213-214-моддаларидан, асосан, жиноятнинг субъекти жиҳатидан фарқ қилиб, қарийб бир ҳил элементлардан иборат. Аммо, пора олиш ва бериш жиноятларининг диспозициясида порани бевосита ёки воситачилар орқали олиш ва бериш каби ҳаракатлар ҳам назарда тутилган бўлса-да, мазкур элементлар хусусий сектордаги порахўрлик ҳамда хизматчининг порахўрлиги учун жавобгарлик белгиланган моддалар диспозициялари билан қамраб олинмаганлигини кўришимиз мумкин.

---

<sup>88</sup> Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

<sup>89</sup> Қаранг: мазкур диссертация ишига 3-илова (сўровнома натижалари).

Шу сабабли, Жиноят кодексининг 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup> ва 213-214-моддаларини янада аниқлаштириш ва уларга турдош бўлган 210-211-моддаларга мувофиқлаштириш учун порани “бевосита ёки воситачилар орқали олиш” элементлари ҳам киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексда мансабдор шахсларнинг порахўрлиги жиноятларида ҳам, хизматчиларнинг оғдириб олинишини назарда тутувчи жиноятларда ҳам мазкур жиноятларнинг предмети сифатида пора назарда тутилган. Бироқ, “пора” тушунчаси, асосан, мансабдорлик билан боғлиқ жиноятларга тегишлилиги ҳамда хизматчининг моддий ёки номоддий манфаатдор этилиши ижтимоий хавфлилик даражасининг нисбатан пастлиги сабабли, пора эвазига эмас, бали ҳақ эвазига амалга оширилишидан келиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ЖКнинг 192<sup>10</sup>, 213 ва 214-моддалари номи ва диспозициясидаги “пора” сўзини “ҳақ” сўзи билан алмаштириш жоиз бўлади. Зеро, мазкур ўзгартириш мансабдор шахсларнинг порахўрлиги ҳамда хизматчини ҳақ эвазига оғдириб олиш жиноятларини бир-биридан фарқлашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, қилмишни давлат сектори ва хусусий секторда хизматчининг оғдириб олинишини назарда тутувчи ЖКнинг 192<sup>10</sup>, 213 ва 214-моддалари билан квалификация қилиш маъмурий преюдициянинг мавжудлигини, яъни шахснинг муқаддам мос равишда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61<sup>1</sup>, 193<sup>1</sup> ҳамда 193<sup>2</sup>-моддалари билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишини талаб қилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тавсияларида мазкур ҳолатга ҳам тўхталиб ўтилиб, мавжуд қонунчилик, яъни бундай қилмишларнинг маъмурий жавобгарликка оид қонунлар билан қамраб

олиниши халқаро стандартларга зид эканлиги, ушбу қилмишлар жиноят сифатида эътироф этилиши лозимлиги кўрсатилади<sup>90</sup>.

Шунингдек, кам аҳамиятли қилмиш сифатида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи бир қатор хорижий мамлакатлар мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларни жиноий жавобгарликдан унча катта бўлмаган миқдор билан чегаралайди. Жумладан, қўшни Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳамда коррупциявий жиноятлар ўртасидаги чегара миллий қонунчилигимизга қараганда анча кам миқдор – икки ойлик ҳисоблаш кўрсаткичлари (01.04.2020 йил ҳолатига кўра, етмиш минг сўмдан камроқ миқдор) билан белгиланган<sup>91</sup>.

Фикримизча, давлат ва хусусий сектордаги хизматчиларнинг моддий таъминоти етарли даражада эмаслиги ва коррупцияни келтириб чиқарувчи бошқа шу каби омилларни инобатга олган ҳолда, мазкур қилмишларнинг тўлиқ криминализация қилиниши мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг ўрнига, ушбу қилмишларни қисман криминализация қилиш лозим бўлади, яъни бугунги кунда юқорида кўрсатилган ҳаракатларнинг анча миқдорача бўлган миқдорда содир этилиши тўғридан-тўғри жавобгарликни келтириб чиқаради. Бундай катта миқдорнинг белгиланганлиги эса, коррупциявий хавфни янада кучайтиради.

Шу сабабли, ЖКнинг 192<sup>10</sup>, 213 ва 214-моддаларига ўзгартириш киритиш орқали, уларнинг диспозициясидаги маъмурий преюдицияни назарда тутувчи қоидаларни чиқариб ташлаб, унинг ўрнига бундай ҳаракатларни кўп бўлмаган миқдорда содир этиш учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни белгилаш ҳамда маъмурий жавобгарликни оз

---

<sup>90</sup> Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

<sup>91</sup> Центральный банк Республики Узбекистан (официальный сайт) // [Электронный ресурс]. URL: <https://cbu.uz/ru/>



миқдорда содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан чегаралаб қўйиш адолатдан бўлади.

Шу ўринда, Жиноят кодексидаги коррупциявий жиноятлар билан боғлиқ бўлган бир қатор дефиницион нормаларни қўллашда юзага келувчи муаммоларга ҳам эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Жиноят кодексининг 8-бўлимида “кўп бўлмаган зарар” тушунчасига таъриф берилган бўлса-да, “кўп бўлмаган миқдор” тушунчасига нисбатан расмий таъриф мавжуд эмас. Мазкур тушунчага МЖТКнинг 61<sup>2</sup>-моддасида таъриф берилган бўлиб, унга мувофиқ, кўп бўлмаган миқдор деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади.

Жиноят кодексининг 1-моддасига мувофиқ, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фақат ушбу Кодексдан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда Кодекснинг 8-бўлимини “кўп бўлмаган миқдор” тушунчасига нисбатан ҳуқуқий таъриф билан тўлдириш лозим бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва ваколат доирасидан четга чиқиш учун жавобгарликни белгиловчи 192<sup>11</sup>, 205 ва 206-моддаларида жиноятнинг зарурий элементи сифатида “жиддий зиён”нинг келиб чиқиши белгиланган бўлса-да, қонунчиликда жиддий зиён тушунчасига айнан қандай ҳолатлар кириши бўйича аниқ тушунтириш ёки мисоллар келтирилмаган.

Экспертлар мазкур норманинг мавжудлиги шахсни асоссиз жавобгарликка тортиш ёки асоссиз равишда жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлишини ва бунинг натижасида коррупциявий хавф-хатарни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлашади<sup>92</sup>. Умуман олганда, халқаро доирада мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг

---

<sup>92</sup> Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

зарурий элементини белгилашда муаммоларнинг мавжудлиги бир неча маротаба муҳокама қилинган<sup>93</sup>.

Шу сабабли, Жиноят кодексининг 192<sup>11</sup>, 205 ва 206-моддалари диспозициясидан “жиддий зиён етказиш” оқибатининг келиб чиқиши ҳақидаги нормани чиқариш лозим бўлади. Бунда, жавобгарлик доирасини чегаралаш мақсадида, мазкур моддалар диспозициясида амалда мавжуд бўлган “кўп миқдорда зарар етказиш” элементи сақлаб қолинмоғи лозим.

Соҳага оид халқаро стандартларда пора олиш жиноятининг субъекти сифатида мансабдор шахс тушунчаси каторида хорижий давлат ва халқаро ташкилот мансабдор шахслари тушунчалари ҳам назарда тутилган бўлиб, бу ҳозир амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан мансабдор шахсга берилган таърифдан кенг доирани ўзида қамраб олади.

Халқаро стандартлар талабларини инобатга олган ҳолда, жиноят қонунчилигидаги мансабдор шахс тушунчасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Мансабдор шахс – ҳақ эвазига ёки ҳақсиз доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган:

1) ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этадиган;

2) хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий, суд ёки бошқа давлат органида ҳар қандай лавозимни эгаллаб турган, давлат органлари ёки хорижий давлат корхоналари учун ташкилий бошқарув, маъмурий иқтисодий ёки бошқа функцияларни бажарувчи (чет эл мансабдор шахси);

---

<sup>93</sup> ОЭСР (2016), Итоговый доклад «Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии. Достижения и проблемы, 2013-2015 гг.», страницы 106-107, доступно по ссылке: <https://www.oecd.org/corruption/acn/Anti-Corruption-Reforms-Eastern-Europe-Central-Asia-RUS.pdf>.

3) халқаро ташкилотда, шунингдек халқаро суд органлари ва халқаро ҳамда миллатлараро ташкилотларнинг парламент ассамблеяларида ёки халқаро ташкилот томонидан унинг номидан иш олиб бориш ваколатига эга бўлган ҳар қандай лавозимни эгаллаган шахс (халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси)”.

Амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, “давлат иштирокидаги ташкилот” деганда, устав фондида ҳар қандай миқдордаги давлат улуши бўлган тижорат ташкилоти тушунилади. Аммо, бошқарув ҳуқуқининг улушнинг ярмидан кўп қисмига эгаллик қилаётган субъектга тегишли бўлиши ҳақидаги қоидадан келиб чиққан ҳолда, устав фондида эллик фоиздан кўп миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилотларинигина давлат иштирокидаги ташкилот сифатида белгилаш лозим бўлади.

Коррупциявий жиноятларнинг янги турлари бир қатор халқаро стандартларда<sup>94</sup>, шунингдек, кўплаб хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида, аллақачон, ўз аксини топган бўлса-да, миллий жиноят қонунчилигимизда бу каби нормалар мавжуд эмас. Ноқонуний бойлик ортириш, мавқени суиистеъмол қилиш каби жиноятлар шулар жумласидандир. Қуйида уларни миллий жиноят қонунчилигимизга имплементация қилиш масалаларини кўриб чиқамиз.

Ноқонуний бойиш жинояти, асосан, коррупциявий жиноятлар кенг тарқалган давлатлар томонидан криминализация қилинган бўлиб, коррупция даражаси паст бўлган мамлакатларнинг аксарияти томонидан мазкур турдаги қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаганлигини кўришимиз мумкин.

Ноқонуний бойишнинг диспозициясини белгилашга оид халқаро стандартлар ва хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур жиноятни криминализация қилишда унинг бешта энг асосий элементларини

---

<sup>94</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции // [Электронный ресурс]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

камраб олиш лозимлиги ҳақида хулосага келамиз. Булар: манфаатдор шахслар, манфаат кўриладиган давр, қасд, бойликнинг сезиларли равишда ошиши ҳамда мазкур бойлик қонуний манбасининг исботланмаганлиги.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида ноқонуний бойиш жиноятдан манфаатдор бўлган шахсларни белгилашда турлича ёндашувга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Биринчи ёндашувга кўра, манфаатдор шахслар бўлиб фақатгина мансабдор шахслар ҳисобланилса, иккинчи тур ёндашувга кўра ҳар қандай шахс мазкур жиноятдан манфаатдор шахс бўлиши мумкин. Учинчи гуруҳ давлатлар эса, манфаатдор шахс сифатида давлат функцияларини бажарувчи мансабдор шахслар билан биргаликда уларнинг оила аъзоларини ҳам эътироф этишади.

Фикримизча, ноқонуний бойлик ортириш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормани миллий қонунчилигимизга имплементация қилишда ушбу жиноятдан манфаатдор шахс сифатида фақат мансабдор шахсларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, мазкур жиноят юзасидан исботлаш мажбурияти мансабдор шахснинг зиммасида бўлиб, унинг қариндошлари ёки бошқа яқин танишларига бундай мажбуриятни юклаш ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши хавфини юзага келтиради.

“Манфаат кўриладиган давр” элементи мансабдор шахс томонидан ортирилган бойликни ҳисоблашда қайси даврнинг инбатга олиниши масаласини белгилашни назарда тутаяди. Хорижий амалиёт мазкур тушунчани белгилашга нисбатан уч хил ёндашувни ўзида намоён этади:

- лавозим эгаллаб турилган давр;
- лавозим эгаллаб турилган давр ҳамда уни тарк этгандан сўнг чекланган муддат;
- чекланмаган муддат.

Бизнингча, манфаат кўриладиган даврнинг аниқ муддат билан чеклаб қўйилиши мазкур турдаги жиноятларни аниқлаш мақсадида олиб

бориладиган текширишлар даврини ҳам чеклаб қўяди. Бу эса, эҳтимолий жиноятларнинг аниқланмасдан қолишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, миллий жиноят қонунчилигимизга мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи нормани имплементация қилишда манфаат кўриладиган давр масаласи очик ҳолда қолдирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

“Бойликнинг сезиларли равишда ошиши” тушунчаси бўйича ҳам халқаро доирада турлича талқинлар мавжуд. Мазкур тушунча ўз ичига икки муаммоли масалани қамраб олган. Уларнинг биринчиси қанча миқдорнинг “сезиларли ошиш” ҳисобланиши бўлса, иккинчиси қайси турдаги бойлик ёки далиллар мазкур миқдорни ҳисоблашда инобатга олиниши кераклиги масаласи ҳисобланади.

Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги юқоридаги тушунчаларни аниқ миқдорлар билан чегаралаб қўйган бўлса, бошқа бир гуруҳ мамлакатларда мазкур тушунчаларга оидинлик киритиш масаласи суд ва тергов органларига ҳавола қилинганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Аргентинада нафақат мол-мулклар, балки бартараф этилган қарздорликлар ҳам ноқонуний бойиш ҳисобланилса, Парагвайда юқоридагилардан ташқари кўрсатилган хизматлар ҳам мазкур тушунча билан қамраб олиниши белгилаб қўйилган.

Эътиборга молик томони шундаки, айрим мамлакатлар қонунчилигида бойликнинг сезиларли ошганлиги ҳолати давлат хизматчисининг “стандарт ҳаёт тарзининг қонуний даромадлари билан таққослаганда сезиларли равишда фарқ қилиши” сифатида эътироф этилган.

Фикримизча, жиноят сифатида эътироф этиладиган ҳаракатларнинг доирасини белгилаш ҳамда амалиётга жорий қилиниши кўзда тутиладиган норма турлича талқин қилишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, Латвия ва Украина каби давлатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда ноқонуний бойлик сифатида кўп миқдордан ортиқ бўлган бойликни тан олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ноқонуний бойлик ортиришнинг навбатдаги элементи қасднинг мавжудлиги бўлиб, мансабдор шахснинг хабари бўлмаган ҳолда унинг эгаллигига ўтиб қолган мол-мулклар бундай ҳолатнинг қонунга зид бўлмаган сабаблари исботланган ҳамда мансабдор шахс мазкур мол-мулкка нисбатан ундан фойдаланиш, эгалик қилиш ёки тасарруф этиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширмаган тақдирда, ноқонуний ортирилга бойлик сифатида эътироф этилмаслиги лозим.

Мазкур жиноятнинг энг асосий элементларидан бири – бу ноқонуний ортирилган бойлик қонуний манбасининг исботланмаганлиги саналади. Жиноят-процессуал қонунчилигининг асосини ташкил қилувчи тамойиллардан бири – айбсизлик презумпциясига мувофиқ, жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас<sup>95</sup>.

Аксарият ҳуқуқшунос олимлар ноқонуний бойиш жиноятини криминализация қилиш ўз-ўзидан мазкур жиноятга нисбатан абсизлик презумпцияси тамойилини истисно қилишни талаб этади, деб ҳисоблашади. Мазкур фиркга қисман қўшилган ҳолда, мансабдор шахснинг қонуний даромадларидан ошувчи мол-мулкларни қўлга киритганлиги фактининг ўзиёқ бевосита далил бўлиб хизмат қилишини эътибордан қочирмаслик лозимлигини маълум қиламиз.

Коррупциявий жиноятларга оид сўровномада иштирок этган 1211 нафар респондентларнинг 89,5 фоизи ноқонуний бойлик ортириш учун жавобгарлик белгиланишини қўллаб-қувватлаб овоз берган бўлсалар, уларнинг 10,4 фоизи мазкур таклифга қўшилмасликларини маълум қилишган<sup>96</sup>.

Юқоридаги таҳлиллардан ҳамда хорижий эксперт Доктор Скирмантас Бикелис билан ноқонуний бойлик ортириш учун жавобгарлик белгилашда

---

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111460#252886>

<sup>96</sup> Қаранг: мазкур диссертация ишига 3-илова (сўровнома натижалари).

Литва тажрибаси ҳақида амалга оширилган суҳбат<sup>97</sup> натижаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ноқонуний бойлик ортириш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи қуйидагича шаклдаги янги модда билан тўлдириш лозим бўлади:

**“210<sup>1</sup>-модда. Ноқонуний бойлик ортириш**

Ноқонуний бойлик ортириш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг даромад ва мол-мулк декларациясида назарда тутилган пул маблағи ёки мулкига нисбатан кўп миқдордан ортиқ бўлган бойлик ортириши, башарти мазкур мансабдор шахс ушбу бойликнинг қонуний манбалари ҳақида ишонарли далилларни тақдим этмаса...”

Шунингдек, мазкур моддадаги “бойлик ортириш” тушунчаси мазмунини янада аниқлаштириш мақсадида Кодекс 8-бўлимига қуйидагича ҳуқуқий таъриф киритилса мақсадга мувофиқ бўлади:

**“Бойлик ортириш** — пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар, мулкрий ҳуқуқлар ва номоддий активларнинг бевосита ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахс орқали мулк сифатида кўлга киритилиши, шунингдек молиявий мажбуриятларнинг қисқариши ҳамда бажарилган ишларни қабул қилиш ва хизматлардан фойдаланиш”.

Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш жиноятининг миллий жиноят қонунчилигимизга имплементация қилиниши ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, мазкур масала халқаро институтлар томонидан Ўзбекистон учун ишлаб чиқилган тавсияларда ҳам илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин<sup>98</sup>.

Мазкур жиноятнинг субъекти масаласида халқаро доирада икки хил ёндашув мавжуд. Жумладан, Малайзия ва Белгия каби давлатлар қонунчилиги фақатгина мансабдор шахс томонидан содир этиладиган

---

<sup>97</sup> Мазкур диссертация ишига 2-илова (Доктор Скирмантас Бикелис билан ўтказилган интервью баёни).

<sup>98</sup> Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

мавқени суиистеъмол қилиш учун жавобгарликни белгилаган бўлса, бошқа бир қатор давлатлар, шу жумладан, Италия, Гонконг, Руминия, Сингапур каби давлатлар қонунчилиги тегишлича мавқега эга бўлган ёки бундай мавқега эгаллиги тахмин қилинган ҳар қандай шахс мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкинлигини белгилайди.

Халқаро стандартлар ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги мазкур жиноятнинг актив ва пассив шакллари ажратишади. Бунда, мавқени суиистеъмол қилишнинг пассив шакли сифатида ўз мавқайдан фойдаланган ҳолда бирор-бир келишувга ёки бошқа ҳар қандай фойдали қарорнинг қабул қилинишига эришиш эвазига бевосита ёки билвосита совға ёхуд ҳар қандай афзалликларни қабул қилиш ёки сўраш тушунилса, жиноятнинг актив шакли юқоридаги ҳаракатларни содир этганлик учун афзалликлар таклиф қилишдан иборат саналади.

Мазкур жиноятни криминализация қилган қарийб барча давлатлар жиноят қонунчилигига кўра, афзалликни тақдим этувчи томонидан бирор-бир шахсни тегишлича мавқега эгаллигини тахмин қилган ҳолда унга юқоридагича таклифлар билан чиқилиши, ушбу шахснинг бундай мавқега эгаллиги ёки эга эмаслигидан қатъи назар жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Фикримизча, суиистеъмол қилиниши учун жавобгарлик юзага келадиган мавқе сифатида шахснинг ижтимоий статуси, қариндошлик алоқалари, хизмат билан боғлиқ мавқеи, шунингдек давлат ёки маҳаллий бошқарув органлари ёхуд халқаро ташкилотлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай алоқалари инобатга олинishi даркор.

Шунингдек, мазкур жиноят учун жавобгарликни белгилашда мавқени суиистеъмол қилиш эвазига ҳар қандай афзалликларни олиш ва беришдан ташқари, шу каби афзалликни сўраш, ваъда қилиш, таклиф этиш ҳамда таклифни ёки ваъдани қабул қилиш учун ҳам жавобгарликни назарда тутиш лозим бўлади.



Бундан ташқари, мавқени суиистеъмол қилишга қаратилган ҳаракатлар содир этилганда мазкур ҳаракатлар натижасида таъсир кўрсатишга эришилган-эришилмаганлиги ёки кўрсатилган таъсирнинг кўзланган натижага олиб келган-келмаганлигидан қатъи назар бундай қилмиш тугалланган жиноят сифатида баҳоланиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи янги модда қуйидагича шаклда белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади:

**“210<sup>2</sup>-модда. Шахснинг ўз мавқеини суиистеъмол қилиши**

Ҳар қандай шахснинг ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши...

Ҳар қандай шахсга мазкур шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкӣ ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф

қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш...”

Бундан ташқари, амалдаги жиноят қонунчилигида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан содир этиладиган мансаб сохтакорлиги жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлсада, хусусий секторда содир этиладиган мансаб сохтакорлигидан иборат бўлган жиноятлар учун бундай нормаларнинг аналоглари мавжуд эмас ҳамда бу тоифадаги қилмишлар умумий тартибда, яъни Жиноят кодексининг 228-моддаси билан хужжат сохталаштириш сифатида квалификация қилиб келинмоқда.

Мазкур турдаги қилмишларнинг мансабдор шахс томонидан содир этилганда коррупциявий жиноят ҳисобланиши, шунингдек, тижорий фаолият манфаатларининг янада самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, Жиноят кодексини қуйидагича шаклдаги янги модда билан тўлдириш лозим бўлади:

**“192<sup>12</sup>-модда. Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг мансаб сохтакорлиги**

Мансаб сохтакорлиги, яъни нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг тамагирлик ёки бошқа манфаатларни қўзлаб расмий хужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, хужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта хужжатлар тузиши ва тақдим этиши...”

Шунингдек, Жиноят кодексининг 212-моддаси Кодекс 210 ва 211-моддаларда белгиланган пора олиш ва бериш ҳаракатларида воситачилик қилганлик учун жиноий жавобгарликни ўзида акс эттиргани ҳолда, мос равишда ЖКнинг 213-214-моддаларида назарда тутилган пора олиш ва бериш жиноятларида воситачилик қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи норма мавжуд эмас.

Шу сабабли, Жиноят кодексини қуйидагича шаклдаги янги норма билан тўлдириш лозим бўлади:

## **“214<sup>1</sup>-модда. Хизматчини пора эвазига оғдиришда воситачилик қилиш**

Хизматчини пора эвазига оғдиришда воситачилик қилиш, яъни давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини ҳақ эвазига оғдириб олиш ёхуд бундай шахснинг қонунга ҳилоф равишда моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки номулкӣ манфаатдор бўлиши хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан бундай шахсга бевосита моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахсни мулкӣ ёки номулкӣ манфаатдор этишга қаратилган ҳаракат...”

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, коррупцияга қарши халқаро стандартлар миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, шу жумладан, амалдаги жиноят қонунчилиги билан қамраб олинмаган коррупциявий қилмишлар криминализация қилиниши, коррупциявий қилмишларнинг аниқ доираси белгиланиши керак. Бунда, мамлакат ичидаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, мазкур турдаги жиноятлар бўйича миллий суд-тергов органлари амалиёти, иқтисодий ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаси ҳамда халқаро ташкилотларнинг тавсиялари, албатта, инобатга олинishi лозим.

## ХУЛОСА

Коррупцияга оид қилмишларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари, соҳага оид миллий, хорижий ва халқаро қонунчилик нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

### I. Илмий-назарий хулосалар

1. Коррупциявий жиноятлар тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: “Коррупциявий жиноятлар – бу мансабдор шахс ёки хизматчининг ўзига ишониб топширилган ваколатлар ёхуд мансаб мавқеидан шахсий ёки бошқа шахсларнинг моддий ва номоддий наф кўриши учун ғаразли мақсадларда фойдаланишидан, шунингдек уларни ушбу мақсадларда ўзига оғдиришдан иборат бўлган жиноятлардир”.

2. Коррупциявий жиноятлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисми “г” банди, 168-модда 2-қисми “в” банди, 192<sup>9</sup>, 192<sup>10</sup>, 210-214-моддалари, шунингдек, шахсий манфаатларни ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тамагирлик ниятида содир этилган Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми “г” банди, 192<sup>11</sup>, 205-206, 209 ва 301-моддалари ҳамда юқорида кўрсатилган жиноятлардан олинган даромадлар билан боғлиқ ҳолда содир этилган Жиноят кодексининг 243-моддасини назарда тутиш лозим.

### II. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup>, 210-211 ҳамда 213-214-моддаларига учинчи шахслар яъни, ўзга жисмоний ёки юридик шахсларнинг манфаатини кўзлаб пора олиш ёхуд пора беришни назарда тутувчи қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

2. Жиноят кодексининг 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup>, 210-214-моддаларига чет эл давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда халқаро оммавий ташкилотлар мансабдор шахслари ва хизматчиларининг пора олиши ёки бундай тоифадаги шахсларга нисбатан пора бериш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши керак.

3. Порахўрлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодекси моддалари диспозициясига тегишлича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали номоддий қимматликлар ва номулкий манфаатдорликни мазкур жиноятларнинг предмети сифатида белгилаш зарур.

4. Халқаро стандартлар ва хориж тажрибасига асосланган ҳолда пора таклиф қилиш, пора беришни ваъда қилиш, пора сўраш ва пора ҳақидаги таклифни қабул қилиш каби ҳаракатларни тугалланган жиноят сифатида эътироф этиш лозим. Сабаби, бу каби қилмишлар ўз тавсифига кўра тугалланган пора олиш ва бериш жиноятлари каби ижтимоий хавfli саналади.

5. Жиноят кодексининг 192<sup>9</sup>-192<sup>10</sup> ва 213-214-моддаларини янада аниқлаштириш ҳамда уларга турдош бўлган Жиноят кодексининг 210-211-моддаларига мувофиқлаштириш мақсадида мазкур моддалар диспозициясига порани “бевосита ёки воситачилар орқали олиш” элементлари ҳам киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Мансабдор шахсларнинг порахўрлиги ҳамда хизматчини ҳақ эвазига оғдириб олиш жиноятларини бир-биридан фарқлашни янада осонлаштириш мақсадида Жиноят кодексининг 192<sup>10</sup>, 213 ва 214-моддалари номи ва диспозициясидаги “пора” сўзини “ҳақ” сўзи билан алмаштириш жоиз бўлади.

7. Жиноят кодексининг 192<sup>10</sup>, 213-214-моддалари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61<sup>1</sup>, 193<sup>1</sup>-193<sup>2</sup>-моддаларига ўзгартириш киритиш орқали, уларнинг диспозициясидаги маъмурий преюдицияни назарда тутувчи қоидаларни чиқариб ташлаб, унинг ўрнига бундай ҳаракатларни кўп бўлмаган миқдорда содир этиш учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни белгилаш ҳамда маъмурий жавобгарликни оз миқдорда содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан чегаралаб қўйиш лозим.

8. Жиноят кодексининг 8-бўлимини “кўп бўлмаган миқдор” тушунчасига нисбатан қуйидагича шаклдаги ҳуқуқий таъриф билан

тўлдириш лозим: “Кўп бўлмаган миқдор — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор.”

9. Жиноят кодексининг 192<sup>11</sup>, 205 ва 206-моддалари диспозициясидан “жиддий зиён етказиш” оқибатининг келиб чиқиши ҳақидаги нормани чиқариш керак. Бунда, жавобгарлик доирасини чегаралаш мақсадида, мазкур моддалар диспозициясида амалда мавжуд бўлган “кўп миқдорда зарар етказиш” элементи сақлаб қолинмоғи лозим.

10. Халқаро стандартлар талабларини инобатга олган ҳолда, жиноят қонунчилигидаги мансабдор шахс тушунчасини қўйидаги таҳрирда баён этиш лозим: “Мансабдор шахс – ҳақ эвазига ёки ҳақсиз доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган:

1) ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этадиган;

2) хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий, суд ёки бошқа давлат органида ҳар қандай лавозимни эгаллаб турган, давлат органлари ёки хорижий давлат корхоналари учун ташкилий бошқарув, маъмурий иқтисодий ёки бошқа функцияларни бажарувчи (чет эл мансабдор шахси);

3) халқаро ташкилотда, шунингдек халқаро суд органлари ва халқаро ҳамда миллатлараро ташкилотларнинг парламент ассамблеяларида ёки халқаро ташкилот томонидан унинг номидан иш олиб бориш ваколатига эга бўлган ҳар қандай лавозимни эгаллаган шахс (халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси)”.

11. Бошқарув ҳуқуқининг улушнинг ярмидан кўп қисмига эгалик қилаётган субъектга тегишли бўлиши ҳақидаги қоидадан келиб чиққан ҳолда, Жиноят кодекси 8-бўлимидаги “давлат иштирокидаги ташкилот” тушунчаси матнига устав фондида камида эллик фоиз миқдорда давлат

улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилотларинигина давлат иштирокидаги ташкилот сифатида белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш лозим.

12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ноқонуний бойлик ортириш жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи қуйидагича шаклдаги янги модда билан тўлдириш лозим:

**“210<sup>1</sup>-модда. Ноқонуний бойлик ортириш**

Ноқонуний бойлик ортириш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг даромад ва мол-мулк декларациясида назарда тутилган пул маблағи ёки мулкига нисбатан кўп миқдордан ортиқ бўлган бойлик ортириши, башарти мазкур мансабдор шахс ушбу мол-мулкнинг қонуний манбалари ҳақида ишонарли далилларни тақдим этмаса...”

13. “Бойлик ортириш” тушунчаси мазмунини янада аниқлаштириш мақсадида Жиноят кодекси 8-бўлимига қуйидагича ҳуқуқий таъриф киритилса мақсадга мувофиқ бўлади:

**“Бойлик ортириш** — пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар, мулкий ҳуқуқлар ва номоддий активларнинг бевосита ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахс орқали мулк сифатида қўлга киритилиши, шунингдек молиявий мажбуриятларнинг қисқариши ҳамда бажарилган ишларни қабул қилиш ва хизматлардан фойдаланиш”.

14. Жиноят кодексини мавқени суиистеъмол қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи қуйидагича янги модда билан тўлдириш лозим:

**“210<sup>2</sup>-модда. Шахснинг ўз мавқеини суиистеъмол қилиши**

Ҳар қандай шахснинг ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахснинг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган

хар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки номулкӣ манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши...

Ҳар қандай шахсга мазкур шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкӣ ёки номулкӣ манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш...”

15. Тижорий фаолият манфаатларининг янада самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, Жиноят кодексини қуйидагича шаклдаги янги модда билан тўлдириш лозим:

**“192<sup>12</sup>-модда. Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг мансаб сохтакорлиги**

Мансаб сохтакорлиги, яъни нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши...”

16. Жиноят кодексини қуйидагича шаклдаги янги норма билан тўлдириш лозим бўлади:



## **“214<sup>1</sup>-модда. Хизматчини пора эвазига оғдиришда воситачилик қилиш**

Хизматчини пора эвазига оғдиришда воситачилик қилиш, яъни давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини ҳақ эвазига оғдириб олиш ёхуд бундай шахснинг қонунга ҳилоф равишда моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки номулкий манфаатдор бўлиши хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан бундай шахсга бевосита моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахсни мулкӣ ёки номулкий манфаатдор этишга қаратилган ҳаракат...”

### **III. Институционал таклифлар**

1. Давлат хизматчиларининг даромадларини декларация қилиш тизимини йўлга қўйиш лозим.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 52 б.
2. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 104 b.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 25.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // [Электрон манба]. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/acts/111460>
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/97664>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2752-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3105125>

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>

### **Ш. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электронный ресурс]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

2. Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27 января 1999 год) // [Электронный ресурс]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

3. Конвенция о борьбе с дачей взяток иностранным государственным должностным лицам при осуществлении международных деловых операций (Принята Конференцией полномочных представителей стран - членов ОЭСР 21 ноября 1997 года) // [Электронный ресурс]. URL: <http://docs.cntd.ru/document/901934989>

4. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года) // [Электронный ресурс]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/code\\_of\\_conduct.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml)

5. Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) // [Электронный ресурс]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

#### **IV. Хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатлари:**

1. Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium\\_CC\\_1867\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf)

2. Criminal Code of the Kingdom of Spain (1995, as of 2013) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain\\_CC\\_am2013\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf)

3. Criminal Justice (Corruption Offences) Act 2018 (enacted on 5th June 2018) // [Electronic resource] URL: <http://www.irishstatutebook.ie/eli/2018/act/9/enacted/en/html>

4. Criminal Code of Lithuania (2000, amended 2017) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania\\_CC\\_2000\\_am2017\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania_CC_2000_am2017_en.pdf)

5. Title 18 of the United States Code – Crimes And Criminal Procedure // [Electronic resource] URL: <https://uscode.house.gov/browse/prelim@title18&edition=prelim>

6. Cap. 201 Prevention of Bribery Ordinance // [Electronic resource] URL: <https://oelawhk.lib.hku.hk/items/show/2838>

7. Republic of Korea: Criminal Code [Republic of Korea], 3 October 1953 // [Electronic resource] URL: <https://www.refworld.org/docid/3f49e3ed4.html> [accessed 7 May 2020]

8. Criminal Code of the Kingdom of Netherlands (1881, amended 2012) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/6415/file/Netherlands\\_CC\\_am2012\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6415/file/Netherlands_CC_am2012_en.pdf)

9. Prevention of Corruption Act (Chapter 241) (Original Enactment: Ordinance 39 of 1960) Revised edition 1993 // [Electronic resource] URL: <https://sso.agc.gov.sg/Act/PCA1960>

10. Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 (As at 1 June 2015) // [Electronic resource] URL: [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20\(15\\_5\\_2015\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20(15_5_2015).pdf)

11. Criminal Law of the People's Republic of China (July 1, 1979) // [Electronic resource] URL: <https://www.fmprc.gov.cn/ce/cgvienna/eng/dbtyw/jdwt/crimelaw/t209043.htm>

12. Prevention of Corruption Act, 1988 // [Electronic resource] URL: <http://legislative.gov.in/sites/default/files/A1988-49.pdf>

13. Criminal Code of the Grand-Duchy of Luxembourg (1879, amended 2018) (French version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8273/file/Luxembourg\\_Criminal\\_Code\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8273/file/Luxembourg_Criminal_Code_am2018_fr.pdf)

14. Criminal Code of the French Republic (as of January 2020) (French version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8546/file/France\\_CC\\_am012020\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8546/file/France_CC_am012020_fr.pdf)

15. Código Penal de Chile // [Electronic resource] URL: <https://www.leychile.cl/Navegar?idNorma=1984>

16. Código Penal de la Nación Argentina - Ley 11.179 (T.O. 1984 actualizado) // [Electronic resource] URL: <http://servicios.infoleg.gob.ar/infolegInternet/anexos/15000-19999/16546/texact.htm>

17. Código Penal Colombiano - Ley 599 de 2000 // [Electronic resource] URL: [https://leyes.co/codigo\\_penal.htm](https://leyes.co/codigo_penal.htm)

18. Уголовный кодекс Республики Армения (Принят 18 апреля 2003 года) // [Электронный ресурс] URL: <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=63312> (дата обращения: 07.05.2020).

19. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (Принят 18 апреля 2003 года) // [Электронный ресурс] URL: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30418109](http://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109) (дата обращения: 07.05.2020).

20. Уголовный кодекс Грузии (Дата принятия: 22.07.1999) // [Электронный ресурс] URL: <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf> (дата обращения: 07.05.2020).

## **V. Халқаро ташкилотларнинг тавсиялари**

1. Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

2. ОЭСР (2016), Итоговый доклад «Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии. Достижения и проблемы, 2013-2015 гг.» // [Электронный ресурс] URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/Anti-Corruption-Reforms-Eastern-Europe-Central-Asia-RUS.pdf>.

3. Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006). // [Electronic resource] URL: [https://www.unodc.org/pdf/corruption/CoC\\_LegislativeGuide.pdf](https://www.unodc.org/pdf/corruption/CoC_LegislativeGuide.pdf)

4. Corruption: A Glossary of International Criminal Standards // [Electronic resource]. URL: <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/41194428.pdf>

5. Interpretative notes for the official records (travaux préparatoires) of the negotiation of the United Nations Convention against Corruption (Addendum) // Report of the Ad Hoc Committee for the Negotiation of a Convention against Corruption on the work of its first to seventh sessions (A/58/422/Add.1) // [Electronic resource]. URL: [https://www.unodc.org/pdf/crime/convention\\_corruption/session\\_7/422add1.pdf](https://www.unodc.org/pdf/crime/convention_corruption/session_7/422add1.pdf)

6. Коррупция: Глоссарий международных стандартов в области уголовного права (ОЭСР, 2007) // [Электронный ресурс]. URL: <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/41194582.pdf>

7. CPI 2019 Global Highlights // [Electronic resource]. URL: <https://www.transparency.org/cpi2019?/news/feature/cpi-2019>

## **VI. Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:**

1. Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -152 б.

2. Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -58 б.

3. Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография //Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 168 бет.

4. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2004.

5. Соттиев И.А., Ҳамраев С.И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 72 б.

6. Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкани талон-торож қилганлиги учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 64 б.

7. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. 1-жилд: Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. – Т.: «ТДЮИ» нашриёти, 2010. – 178-бет.

8. Долгова А. И. Криминология. Учебник для вузов. 2001. С. 347.

9. Максимов С. В. Коррупция. Закон. Ответственность. М. 2008. С. 116.

11. Основы борьбы с организованной преступностью: Монография / Под ред. В.С. Овчинского. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 92 с.
12. Зуфаров Р. Порахўрлик – коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. № 4. – 41 б.
13. Лунеев В. В. Преступность XX века: мировые, региональные и российские тенденции / М.: Волтерс Клувер, 2005. С. 212.
14. Кадыков В.М. Некоторые проблемы коренной трансформации экономического механизма и криминализации российской экономики // Проблемы борьбы с преступностью, охраны прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике. – М., 1996. – С.85-94.
15. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – 287 с.
16. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 6.
17. Карпец И.И. Организованная преступность как социальная и юридическая проблема, ее тенденции и причины. Организованная преступность-2. / Под ред. А.И.Долговой, С.В.Дьякина. – М., 1993. – С.13-15.
18. Кабанов П.А. Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты. – Нижнекамск: Гузель, 1995. – 32 с.
19. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. / М.А.Абдуҳолиқов, Б.Д.Ахраров ва бошқ. М.Усмоналиев умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 1998.
20. Агыбаев А. Н. Ответственность должностных лиц за служебные преступления.— Алматы: Жеті жарғы, 1997.
21. Мельникова К.Е. Должностные преступления. Вопросы уголовно-правовой квалификации. – М.: ВЮЗИ, 1985.



22. Проблемы борьбы с коррупционными преступлениями: Учебное пособие // С. Б. Коваленко, М. Т. Кожамкулов, Ж. В. Он-гарбекова, А. С. Рахметова.— Алматы: ООНИ и РИР Академии МВД РК, 2004. С. 89.

## **VII. Диссертациялар ва авторефератлар:**

1. Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. –348 б.

2. Каландаров М.М. Узлаштириш ёки растрата йули билан талон-торож қилиш: жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлар. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2011. - 202 б.

3. Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкани иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: Ю. ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т., 2006. - 214 б.

4. Бабаев А.А. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашда коррупцияга қарши курашнинг аҳамияти ва хуқуқий жиҳатлари. – Магистрлик диссертацияси. – Т.: 2009, 85 б.

5. Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий и организации. Автореф. ... канд. юрид. наук. – Т., 1990.

6. Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 39 б.

7. Стренин А.С. Корыстные злоупотребления по службе (хищения, взяточничество, злоупотребление служебным положением, уголовно-правовая характеристика и проблемы квалификации. Автореф.дисс.док.юр.наук. М. 1991.

8. Кузнецова О.А. Коррупционная деятельность: криминологический и уголовно-правовой аспекты. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Тамбов 2007, 46 с.

9. Шишкарёв С.Н. Правовой порядок в сфере противодействия коррупции: теоретико-правовое исследование. Авто.дис. на соискание ученой степени доктора юридических наук Москва-2010, 53 с.

### **VIII. Илмий-мақола ва тезислар:**

1. Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт».-Ташкент: Chashma Print, ст.110-118.

2. Абдурасулов Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. -5-8-бетлар

3. Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 58-62.

4. Katz, Karen, Here Comes the Bribe: Canada's efforts to Combat Corruption in International Business, 69 Adv. 501 (2011).

5. Dinsha Mistree and Arjuna Dibley, Corruption and the Paradox of Transparency, Working Paper 03-2018, April 18, 2018.

6. Rose-Ackerman, Susan, and Bonnie J. Palifka (2016). Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform, second edition. Cambridge: Cambridge University Press.

7. Bussell, J. (2015) Greed, Corruption, and the Modern State Essays in Political Economy. Edward Elgar, London, 22-32.

8. Волженкин Б.В. Коррупция и уголовный закон. // Правоведение, 1991, №6. С.62-65.

9. Купратая А. В. Понятие и виды коррупционных правонарушений // Актуальные проблемы права, экономики и управления. 2016. № 12. С.133.

10. Авдеев В.А., Авдеева О.А. Стратегические направления противодействия коррупции в РФ // Российская юстиция. 2016. № 7. С. 19–21.

11. Луцев В.В. Коррупция, учтенная и фактическая // Государство и право. – Москва, 1996. - № 8.– Б. 79-83.

12. Михайлов Л.В. Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Вопросы истории. – 1994. - №5. – С. 7-11.

13. Сирожев Ж. Коррупция: унинг тарихий илдишлари, коррупцияга карши кураш усуллари // [http://surxondaryo.adliya.uz/surxondaryo/uz/publikatsii/korupsiya/?ELEMENT\\_ID=24676](http://surxondaryo.adliya.uz/surxondaryo/uz/publikatsii/korupsiya/?ELEMENT_ID=24676)

14. Халилов Б.Х., Каримов Х.А. Айбсизлик презумпцияси, унинг ҳуқуқий ҳолати ва моҳияти: халқаро ва миллий тажриба // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. Махсус сон, Т., 2019. 10-17 бетлар.

15. Лопашенко Н. А. Противодействие российской коррупции: обоснованность и достаточность уголовно-правовых мер // Следователь. 2009. № 6. С.35–40.

16. Илий С. К. Административные правонарушения коррупционной направленности // Административное и муниципальное право. 2015. № 5. С.462.

## **IX. Интернет ресурслари**

1. <http://lex.uz>
2. <http://norma.uz>
3. <http://proacademy.uz>
4. <http://constitution.uz/uz>
5. <http://www.transparency.org>
6. <http://qomus.info>
7. <http://uzjournals.edu>
8. <http://lawlibrary.ru>
9. <http://www.consultant.ru>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ  
КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ  
КУЧАЙТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан \_\_\_\_\_да қабул қилинган

Сенат томонидан \_\_\_\_\_да маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят [кодексига](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 192<sup>9</sup>-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки чет эл нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахсининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган ёки учинчи шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкӣ ёки номулкӣ манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки чет эл нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган ёки учинчи шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки

номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтамиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) такроран;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,

—

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) такроран;
- б) кўп миқдорда;
- в) тамагирлик йўли билан;
- г) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,

—

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти пора эвазига оғдириб олишни амалга оширган шахсга нисбатан моддий ёки номоддий қимматликлар ёхуд мулкӣ ёки номулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Башарти, пора эвазига оғдириб олинган шахс мазкур жиноятни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, башарти унинг ҳаракатларида тамагирлик аломатлари бўлмаса, у жазодан озод этилади»;

2) 192<sup>10</sup>-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«192<sup>10</sup>-модда. Тижоратда хизматчини ҳақ эвазига оғдириб олиш**

Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки чет эл нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки учинчи шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкӣ ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки чет эл нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки учинчи шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣй ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёки манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, -

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти ҳақ эвазига оғдириб олишни амалга оширган шахсга нисбатан моддий ёки номоддий қимматликлар ёхуд мулкӣй ёки номулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Башарти, ҳақ эвазига оғдириб олинган шахс мазкур жиноятни содир этгандан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, башарти унинг ҳаракатларида тамагирлик аломатлари бўлмаса, у жазодан озод этилади»;

3) 192<sup>11</sup>-моддаси биринчи қисмидаги «ёхуд жиддий зиён» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) куйидаги мазмундаги 192<sup>12</sup>-модда билан тўлдирилсин:

**«192<sup>12</sup>-модда. Нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг мансаб сохтакорлиги**

Мансаб сохтакорлиги, яъни нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг тамагирлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) 205-моддаси биринчи қисмидаги «ёхуд жиддий зиён» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 206-моддаси биринчи қисмидаги «ёхуд жиддий зиён» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) 209-модда биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси ёки ҳокимият вакилининг тамагирлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши»;

8) 210-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«210-модда. Пора олиш**

Пора олиш, пора сўраш ёки пора олиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган ёки учинчи шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олишга ёхуд мулкӣ ёки номулкий манфаатдор бўлишга қаратилган ҳаракатлари, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) тамагирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади

Башарти, шахс пора олгандан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, башарти унинг ҳаракатларида тамагирлик аломатлари бўлмаса, у жазодан озод этилади»;

9) қуйидаги мазмундаги 210<sup>1</sup> ва 210<sup>2</sup>-моддалар билан тўлдирилсин:

**«210<sup>1</sup>-модда. Ноқонуний бойлик ортириш**

Ноқонуний бойлик ортириш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг даромад ва мол-мулк декларациясида назарда тутилган пул маблағи ёки мулкига нисбатан кўп миқдордан ортиқ бўлган бойлик ортириши, башарти мазкур мансабдор шахс ушбу бойликнинг қонуний манбалари ҳақида ишонарли далилларни тақдим этмаса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ноқонуний бойлик ортириш:

а) такроран;

б) жуда кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **210<sup>2</sup>-модда. Шахснинг ўз мавқеини суиистеъмол қилиши**

Ҳар қандай шахснинг ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳар қандай шахсга мазкур шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкий ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) тақроран;

б) жуда кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

10) 211-модда биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пора бериш, пора таклиф қилиш, пора беришни ваъда қилиш ёки пора беришга розилик билдириш яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган ёки учинчи шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкий ёки номулкий манфаатдор этишга қаратилган ҳаракат»;

11) 213-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



### **«213-модда. Хизматчини ҳақ эвазига оғдириб олиш**

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилотнинг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки учинчи шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёки уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкӣ ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 — 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,

—  
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти моддий ёки номоддий қимматликлар берган ёхуд мулкӣ ёки номулкий манфаатдор этган шахсга нисбатан бундай қимматликлар ёки манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади»;

12) 214-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

### **«214-модда. Хизматчининг қонунга хилоф равишда моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки номулкий манфаатдор бўлиши**

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган ёки учинчи шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) анча миқдорда;

б) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 — 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шахсга нисбатан тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, ҳақ эвазига оғдириб олинган шахс мазкур жиноятни содир этгандан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, башарти унинг ҳаракатларида тамагирлик аломатлари бўлмаса, у жазодан озод этилади»;

13) саккизинчи бўлим:

«Мансабдор шахс» атамасининг ҳуқуқий маъноси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мансабдор шахс — ҳақ эвазига ёки ҳақсиз доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган:

1) ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этадиган;

2) хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий, суд ёки бошқа давлат органида ҳар қандай лавозимни эгаллаб турган, давлат органлари ёки хорижий давлат корхоналари учун ташкилий бошқарув, маъмурий иқтисодий ёки бошқа функцияларни бажарувчи (чет эл мансабдор шахси);

3) халқаро ташкилотда, шунингдек халқаро суд органлари ва халқаро ҳамда миллатлараро ташкилотларнинг парламент ассамблеяларида ёки халқаро ташкилот томонидан унинг номидан иш олиб бориш ваколатига эга бўлган ҳар қандай лавозимни эгаллаган шахс (халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси)»;

«Давлат иштирокидаги ташкилот» атамасининг ҳуқуқий маъноси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат иштирокидаги ташкилот —

1) устав фондида камида эллик фоиз миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти;

2) тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда, 12-сон, 269-модда; 1996 й., 5-6-сон, 69-модда, 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 4-5-сон, 126-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда, 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165, 182-моддалар; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 5-сон, 67-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 37-сон, 408-модда, 51-сон, 514-модда; 2005 й., 37-38-сон, 280-модда, 51-сон, 374-модда, 52-сон, 384, 385-моддалар; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 39-сон, 385-модда, 41-сон, 405-модда, 51-52-сон, 498, 501-моддалар; 2007 й., 14-сон, 134, 134-моддалар, 15-сон, 154-модда, 17-18-сон, 170-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 400-модда, 50-51-сон, 504, 512-моддалар, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 88-модда, 16-сон, 117-модда, 17-сон, 129-модда, 37-38-сон, 367-модда, 39-сон, 391-модда, 52-сон, 513, 514-моддалар; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 41-сон, 439-модда, 50-51-сон, 529-модда, 52-сон, 551, 553, 555, 557-моддалар; 2010 й., 20-сон, 146-модда, 21-сон, 161-модда, 22-сон, 174-модда, 37-сон, 313, 317-моддалар, 38-сон, 329-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 479, 484, 485-моддалар; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 16-сон, 162-модда, 17-сон, 168-модда, 36-сон, 365-модда, 40-сон, 410-модда, 52-сон, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 3(I)-сон, 32-модда, 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 16-сон, 265-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон, 10.2018 й., 03/18/495/2029-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.05.2019 й., 03/19/543/3201-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 31.08.2019 й., 03/19/560/3677-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон, 01.11.2019 й., 03/19/577/3975-сон, 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон; 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 61<sup>1</sup>-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«61<sup>1</sup>-модда. Тижоратда хизматчини ҳақ эвазига оғдириб олиш**

Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки чет эл нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки учунчи шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёхуд уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкӣ ёки номулкӣ манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф

қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки чет эл нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки учунчи шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣй ёки номулкӣй манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёки манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши кўп бўлмаган миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки чет эл нодавлат ташкилотининг хизматчиси деганда меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқӣй шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилади»;

2) 193<sup>1</sup>-модда куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«193<sup>1</sup>-модда. Хизматчини ҳақ эвазига оғдириб олиш**

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилотнинг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки учунчи шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёхуд юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар бериш ёки уни ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахсни мулкӣй ёки номулкӣй манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат иштирокидаги ташкилот деганда:

устав фондида камида эллик фоиз миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти;

тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти тушунилади.

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилотнинг хизматчиси деганда меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқӣй шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилади»;

3) 193<sup>2</sup>-модда куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«193<sup>2</sup>-модда. Хизматчининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣй манфаатдор бўлиши**

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган ёки учунчи шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣй ёки номулкӣй манфаатдор бўлиши,

манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши,

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат иштирокидаги ташкилот деганда:

устав фондида камида эллик фоиз миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти;

тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти тушунилади.

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот хизматчиси деганда меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2020 йил \_\_\_\_\_,

ЎРҚ-\_\_\_-сон


Доктор Скирмантас Бикелис билан ўтказилган

**ИНТЕРВЬЮ БАЁНИ**

2020 йил 9 июнь

Бухоро-Вильнюс

**Мавзу:** Ноқонуний бойлик ортириш учун жиноий жавобгарлик белгилашга оид Литва тажрибаси



**Эксперт:** Доктор Скирмантас Бикелис (Вильнюс ш., Литва) – Литва юридик институти катта илмий ходими; жазо сиёсати, жиноят ҳуқуқи ва процесси масалалари бўйича мутахассис.

**Тадқиқотчи:** Шамсутдинов Бехруз Садриддин ўғли – Бош прокуратура Академияси магистранти.

Интервью инглиз тилида “Zoom” платформасида, савол-жавоб шаклида амалга оширилди. Қуйида суҳбатнинг энг муҳим қисмлари ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда келтирилмоқда.

**Тадқиқотчи:** Ассалому алайкум, жаноб Скирмантас Бикелис. Аввало, Сизга мазкур интервьюни ўтказишда розилик билдирганлигиниз учун миннатдорчилик билдираман. Бугунги кунда коррупцивий жиноятлар учун жавобгарлик масаласида тадқиқот олиб бораётган. Литва жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган ноқонуний бойлик ортиришга оид механизмлар ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

**Эксперт:** Ассалому алайкум, жаноб Бехруз Шамсутдинов. Интервью ўтказиш ҳақида сўров юборганлигиниз учун Сизга катта раҳмат. Сабаби, мен дастлабки маротаба чет элликлар билан суҳбат ўтказишда ушбу онлайн

платформадан фойдаланяпман ва бу мен учун янги тажриба ўрнида хизмат қилади...

*Литва янги Жиноят кодексини қабул қилганлиги, унда ноқонуний бойлик ортириш учун жавобгарлик мавжудлиги, шунингдек мусодара институтининг жиноий ва жиноий бўлмаган турлари ҳақида маълумот берди.*

**Тадқиқотчи:** Ноқонуний бойиш учун жавобгарликнинг белгиланиши айбсизлик презумпциясига зид келиши ҳақида фикрлар мавжуд. Сизнингча, бундай важлар қанчалик асосли?

**Эксперт:** Литва Конституциявий суди томонидан мазкур масала, яъни ноқонуний бойлик ортириш учун жавобгарликнинг белгиланиши Литва Конституциясида белгиланган айбсизлик презумпцияси принципига зид келиш-келмаслиги бўйича иш кўриб чиқилиб, аниқ тўхтамга келинган. Унга кўра, мазкур жиноят учун жавобгарлик белгиланиши айбсизлик презумпциясига зид эмас. Сабаби, бундай вазиятларда шахсинг даромадларидан сезиларли миқдорда ошувчи миқдордаги бойликни қўлга киритганлиги фактининг ўзиёқ бевосита далил бўлиб хизмат қилади...

### Lithuanian Penal Code on illicit enrichment, Art. 189(1) since 11 December 2010

- |                                  |   |
|----------------------------------|---|
| 1. <i>Liable persons</i>         | Anyone  |
| 2. <i>Criminal act</i>           | Ownership of property                                       |
| 3. <i>Source of the property</i> | Property <b>could not be obtained from legal activities</b> |
| 4. <i>Value of property</i>      | At least <b>25 000 EUR</b>                                  |
| 5. <i>Form of guilt</i>          | Intention or <b>negligence</b>                              |



**Тадқиқотчи:** Литва қонунчилигига кўра, ҳар қандай шахс ноқонуний бойлик ортириш жиноятининг субъекти бўлиши мумкин. Мазкур қоида амалиётда қанчалик даражада ўзини оқлаяпти?

**Эксперт:** Ҳақиқатдан ҳам Литва жиноят қонунчилигига мувофиқ, ҳар қандай шахс мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкинлиги белгиланган. Натижада бизнинг давлатимиз амалиётида мансабдор шахслардан кўра кўпроқ тадбиркорларга нисбатан ноқонуний бойлик ортиришга оид жиноят ишлари қўзғатилиши ҳоллари кузатилди. Менимча, бу нотўғри. Сабаби, тадбиркорлик натижасида қўлга киритиладиган даромадни аксарият ҳолатларда аниқ ҳисоблашнинг иложи йўқ. Бундан ташқари, улар томонидан ортирилган бойликнинг ноқонуний манбалардан олинishi эҳтимоли нисбатан пастроқ саналади...

**Тадқиқотчи:** Сизнингча, ноқонуний бойлик ортириш учун жавобгарлик белгилашда бойликнинг “сезиларли миқдорда ошиши” элементи киритилиши ва унинг аниқ чегараси белгиланиши қанчалик ўринли?

**Эксперт:** Сезиларли миқдор сифатида Литва қонунчилигида 25 минг евро белгиланган, яъни шахснинг қонуний даромади ва ҳақиқатда эгалик қилаётган бойлиги ўртасидаги фарқ камида мазкур миқдорни ташкил қилгандагина, унга нисбатан ноқонуний бойлик ортиришга оид жиноят иши очилиши мумкин. Агарда, бундай миқдорнинг аниқ чегараси белгиланмаса, тергов органларининг қамров доираси кенгайиб, ноқонуний бойлик ортиришга оид жиноий тақиб ўз аҳамиятини йўқотади...

**Тадқиқотчи:** Собиқ мансабдор шахслар ҳам ноқонуний бойлик ортириш жинояти субъекти бўлиши керакми ёки улар фақатгина ўз лавозимида бўлган вақтида мазкур жиноятнинг субъекти сифатида эътироф этилиши мақсадга мувофиқми?



**Эксперт:** Амалиётда кўп кузатиладиган ҳолатга кўра, маълум бир куч ва ваколатларга эга бўлган шахсларга нисбатан ноқонуний бойлик ортириш билан боғлиқ текширув ўтказиш учун турли хил сиёсий ва бошқа омиллар тўсқинлик қилиши мумкин ва одатда улар ўз лавозимини тарк этганларидан кейин уларга нисбатан жиноий тақиб амалга оширилади. Менимча, бу табиий ҳол, яъни мансабдор шахслар ўз лавозимларини тарк этганларидан кейин ҳам ноқонуний бойлик ортириш жинояти билан жавобгарликка тортилиши лозим деб ҳисоблайман. Аммо, бундай вазиятларда ортирилган бойликнинг қайси даврда қўлга киритилгани масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим ҳамда лавозимни тарк этгандан сўнг ортирилган бойлик жиноий тақиб предмети бўлиши керак эмас...

**Баённома тузувчи:**

**Б.С.Шамсутдинов**